



ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЁТИ

ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

1997 йил

ВА САНЪАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

12 декабр, № 50 (3525)

1998 йил — оила йили



Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустақкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилятлар энг аввало оилада шаклланган.

Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда Она сиймоси шаклланади. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — Она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқиллиги, меҳру муруввати, садоқат ва вафодорлигидир.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзидан

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат университети журналистика факультетида «Ўзбекистон ва Миср Араб республикаси оммавий ахборот воситалари ва маданий ҳамкорлик» мавзусида икки кунлик илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда факультет устозлари Анвар Каримов, Ёқутхон Маматова, Қудрат Эрназаров, Марҳамат Алимова, И. Исмоилова, талабалардан Ш. Эрназаров, М. Шарипова, Б. Исоқова, Н. Очилов, Д. Баштовалар Ўзбекистон ва Миср матбуотининг ўзига хос хусусиятлари турисида маърузалар қилдилар.

Тошкент Давлат университети, Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси ҳамда фан ва таълим маркази масъулларидан иборат ҳакамлар ҳайъати Анвар Каримовнинг ижодий ишлари энг яхши деб топди.

Илмий анжуман ишида Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчиси, фан доктори Мамдўҳ Шавкий, элчихонанинг Матбуот шўъбаси раиси Раъфат Ас-Сабъа, фан ва таълим маркази бошлиғи, фан доктори Одил Шиҳа ҳамда университет раҳбарияти вакиллари қатнашдилар.

Ўз ахборотимиз

«ОЛТИН МЕРОС» ОДИМЛАРИ

Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деб ўйланганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. Маънавиятни мустақкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир.

И. КАРИМОВ

Ватанимиз истиқлолга эришган илк кунлардан оқибат миллий кадрларимизни тиклаш, аждодларимизни яратган моддий ва маънавий бойликларнинг қадрига етиш, араб-авайлашга зўр эътибор қаратилди. Бугунги кунда ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топаётган бу юксак эътибор мевалари, қилнаётган ва қилинажак ишлар билан қизиқиб, «Олтин мерос» халқро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевни сўз-баъта чорладик.

Худойберди ака, «Олтин мерос» халқро хайрия жамғармасининг ташкил этилганига ҳам салкам икки йил бўлди. Ана шу кичик давр ичда жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва асафаларини қай даражада адо этмоқда?

— Ҳукуматимиз, шахсан Президентимизнинг маънавиятга бўлган юксак эътибори республикамиз ва хорихида сочилиб ўтган тарихий қадриятларимиз намуналарини,

Жамғармада нима гап?

нодир санъат асарларини — буюк аждодларимиз яратган барча бойлигимизни топиш, йиғиш ҳамда урганиш учун моддий ва маънавий имтиёз яратди — халқро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Бу хушхабар бугунги кунда халқимизни хушнуд этди. Зеро, миллий қадриятларимиз — маънавиятимиз пойдевори. Утмишимиз эса келажаки тасаввур этмоқ амри маҳол.

Саид АҲМАД
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТАЪЗИМ

(Президентимиз Ислоҳ Каримов қўлидан «Буюк хизматлари учун» орденини олаётганимда кўнглимдан кечган ўйлар)

Минг тўққиз юз элликчи йилнинг 5 марат кунли қўлимга кишан солиб ҳайдаб кетётганларида баланд иморатларнинг пештоқларига, азамат терактларнинг учларига эндигина офтоб туша бошлаган тонг маҳали эди.

Тўғилган юртим, она шахрим Тошкент билан видолашмадим. Чунки, қачондир қайтиб келишимга, сахар кезлари охира тебранаётган шу дарахлар тагида сайр қилишимга ишонардим.

Эҳе, қанча йуллар юрдим. Қанча хурликлар курдим. Она юрт соғинчи бир дам бўлсин мени тарк этмади. Олис юртларда илмиж билан, умид билан меҳрибон тинимсиз ўзига тортиб турган Ўзбекистонимга қараб талпиндим.

Ўзбекистон, менинг ўзбекистоним! Қўшининг ердига яхлит бир парчаси, жаннат деса дегулки юртим, шурлик юртим, топталган юртим, таланган юртим!

Бағриндан мени юлқиб олиб кетяптилар, Чўлпонлар, Қодирийлар, Фитратлар кетган йўлдан олиб кетяптилар...

Минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг бешинчи декабри. Ҳукумат ўйининг тантаналар, маросимлар қасрида утирибман. Сал фурсатдан кейин менга мукофот топширадилар. Шу ҳаяжонли дамларда хаёл курмагур курган кунларимни куз ўнгимда гавдалантиради. Атрофга қарайман. Қошонани тўлдириб ўтирган юртдошларимнинг гулгун чеҳраларини кўраман. Улар — истеъдодини, ҳалол меҳнатини елкасига офтоб теккан Ўзбекистонимизга бағишлаган юртдошларим. Улар — утган қисқагина вақт ичда ҳусни жамолани, камолани жаҳонга курсатган мамлакатимиз учун тер тўккан, эркин меҳнати тўғайли рушнолик кураётган, ўзи курган, ўзи воёга етказган юртининг мукофотига сазовор булган ватандошларим.

Мукофот топшириш маросими бошланди. Қаттиқ ҳаяжонданман. «Буюк хизматлари учун» ордени билан... Бу мен. Мени қақришяпти. Уримдан туриб, Президентимиз томон юра бошладим. Юртимнинг, ҳақо ва сўзгипмани, идрок қилмасдим. Ўзимни қўлга олишга

ҳаракат қиламан. Президент мухайир лентига бириктирилган ордени буйнимга осиб қўётганда миҳжаларимда ёш қалқиди. Мир киприк қоқсам дув тўкилади. Чиддим. Бу кифроти олиб то жойимга бориб утиргунимча киприк қоқмадим. Кўзим тула ёшни юзимга томдирмадим. Нималар дедим, эсимда йўқ. Утирганлар гуррос уриб қулишди. Нима деган эканман ушанда? Ишқилиб бирон жуяли гап айтган бўлай-да! Ёнгинимда утирган, ҳозиргина қаҳрамонлик Олтин юлдузини олган хоразмлик пахтакор — Маширип Қувоқов қўлимни қисиб «Дим яхши сузладингиз, гапни аппаратингиз, ёшулли», деди. Шундагина хотиржам бўлдим.

Мукофот топшириш маросими телевизор орқали курсатилганда нималар деганимни билдим. Гапларим маъқул булган экан, Президентимиз билан суварта ҳам тушдик. Шунда буюк Ғафур Гуломнинг, «Ким эдигу ким булуддик, не бор азиз жонингиз, эй дил бергил сарҳисоб», деган сатрлари эсимга тушди.

«Буюк хизматлари учун» орденини қўлимга олиб қарайман. «Буюк» сузини ўқиганимда етмиш етти йиллик ғуборларим тарқаб кетгандек бўлди. Курган жабру жафолар тумандек гойиб бўлди.

Жез конлари тагида мис кукунларини ютиб, ўпкаси занглаб оламдан утган, жа-садлари занглаган тупроққа қўйилган юртдошларим ҳаққи, Сибирнинг қаҳратон совуқларида музлаб қолган, умрини урмонларда поғнига етказган беқийс доно устозларимиз ҳаққи сенга таъзим қиламан, Ўзбекистоним.

Шу огир йуллардан мени омон қайтарган сенинг меҳринг, сенинг иссиқ бағринг, менинг эътиқодим, тангрининг бевадд меҳридин.

Ўзбекистоним! Жоним, жаҳоним! Мен сенинг углинман. Буюр, она бўлиб буюр, ота бўлиб буюр! Жаҳаларга йўлла! Тоглардан ошай, дареларни кечай, саҳроларни кезай, Буюр, буюр!

Мана шу ёруғ кунлар учун, бу тенгсиз хурматлар учун халқимга, улуг йўлбошимизга қуллуқ қиламан.

ЧўЛПОН ДАВОМ ЭТАДИ

Юз йилдан сўнгги... ёруғлик

Чўлпоннинг юз йиллигини муносиб нишонлаб биз ўзимизни ҳам, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпонни ҳам қайта топдик. Чўлпон бизга ким булади?

У бизнинг ёшлигимиз. Курашда тоймаслигимиз. Қулчилик ва ҳар қандай курашлардаги қарамликларни қабул қилмаслигимиз, уларга қўнмаслигимиз. Чўлпон қонимизда озодликнинг ҳеч қачон ҳеч қандай шароитда ўчмайдиган овози. У бўғизланганда ҳам, олтин бошига болта урганларда ҳам, шеърят қўшини кутарган бағрини истибдод уқлари билан илма-тешиқ қилганларида ҳам озодликдан воз кечмаган, сўнгги сузи ҳам озодлик булган, озодликни охири оқибат миллатнинг иродасига айланган халқнинг фарзанди эди.

Чўлпон озодликнинг синмаган, ҳеч қачон синмайдиган иродаси. Дунёни ларзага солган истибдод уни ёнголлади. Қизил истибдод тиззасигача халқ қониға ботиб Туркистонга кириб келганидан, уша машъум ўн еттинчи йилдан, Туркистон халқининг янги асрдаги энг буюк орузи миллий мухторият энг разил ва энг қаттол бир тарзда қонга ботирилгандан кейин, то ёвуз 37-йилнинг октябригача — роппа-роса йигирма йил мобайнида юрт бошидан ҳам, унинг асил углонлари бошидан ҳам, халқ бошидан ҳам, ва айниқса Чўлпон бошидан ваҳший қўлчанка аримади. Истибдод йигирма йил Чўлпонни ҳам, унинг сафдошларини ҳам, элни ҳам тўс-тўс қилди. Тилни ҳам, дилни ҳам, неча минг йиллар давомида бино булган миллий маданиятни ҳам турли инқилобий, аслида тугал лўттибозлик ва масхарабозликлардан иборат булган қизил таж-

рибалар чоҳига ташлади. Жуда катта қўламага эга узгариларнинг барчаси — улар имло буладими, миллий чегараланишлар бўладими, турмушга турли янгиликларни жорий этиш буладими, ўқиш-ўқитиш буладими — бари-бари миллий асосдан, миллий ўзига хосликдан, миллий негизга бутунлай бегона эди. Бегона давлат, бегона партия, бегона тил, бегона мафкура... Дунё миқёсида коммунистларнинг мислсиз экспериментлари ҳеч кимга, ҳеч қайси мамлакатга, ҳеч бир миллатга яхшилик келтирмади.

Чўлпон ва унинг сафдошлари истибдоднинг моҳиятини у қанчалар товганиб кўринмасин, жуда теран англал, билар, тасаввур қилар эдилар. Шунинг учун истибдод билан келишиб, мурося қилиб ишлаш, яшаш улар учун шармандали улим билан тенг эди.

Чўлпоннинг қуроли йўқ эди. У инсон қонини инсон тукишидан ҳазар қиларди. Унинг нозик, нафис сузи, камдан кам одамларда учрайдиган сузларни фикрга жамлайдиган ноёб даҳоси бор эди. Чўлпон Туркистон сарҳадларида Фитрат ва Бехбудий, Мунаввар қори, Таваллолар қаторида сузи истибдод шароитида қуролга айланишини тушунди. Қуролсиз халқнинг қуроли суз бўлишини билди. Бу кашфиёт унга тенгсиз илҳом ато этди. Бу кашфиёт ила у сузини уйғониш қуролига айлантирди. Бу кашфиёт ила у сузини озодлик қуролига айлантирди. Бу кашфиёт ила у сузини миллий истиқлол қуролига айлантирди. Юз йиллик кунлариди чиқишларидан бирини ҳукумат қўмитасининг раиси профессор Алишер Азизхўжаев истибдод ҳар қачон Чўлпондан қурқар эди, деган салмоқли бир фикрни айтди.

Ҳа, истибдод у қанчалик

қудратли бўлмасин, ер юзюда юз минглаб танқари урмалаб юрган бўлмасин, неча-неча халқларнинг ерларини босиб олган бўлмасин, Чўлпондан — чўлпонлардан, қурқар эди. Уларнинг сўнмас иродаларидан зир қақшар, қалтирар эди. Бу қурқар уларни янада ваҳшийлаштирар, янада раҳмсизроқ қилар, янгидан янги разолат ва оммавий қотилликларга ундар эди. Бу мислсиз шафқатсизликлар замирида ана шу паталогик қўрқув яшириниб ётарди.

Беҳиз эмас эди истибдоднинг қўрқувлари!

Чўлпон бу истибдодни унинг бутун дахшатли машинаси ва таг-томирларига гача тинимсиз ларзага солиб турарди. Тинимсиз силкитар эди Чўлпоннинг сузлари истибдод қўрғонларини! Уни роҳат-фароғатдан маҳрум этар эди. Тинчлик бермас эди. Ваҳшийлантирар эди Чўлпоннинг сузлари истибдодни! Лекин «БўЙИН ЭГМА, КИШАН КИЙМА, КИ СЕН ХАМ ХҲР ТУҒИЛ-ФОН-СЕН!» — деб ҳайқираётган овозини учиринга ҳеч қучи етмас эди. Овоз урнашиб булган эди. Овоз сузи тартибга келди. Овоз тарих яратишга киришган эди. Охири-охири овоз истибдоддан зўр чиқди. Истибдод таг-илдизлари билан ўз-ўзини қўпориб ташлади. Сулм заққум дарахти ўз захрининг шиддатига дош беролмай қарсиллаб қулади. Лекин озод инсон овози қолди. Узи тирок экан, Чўлпон ва унинг сузлари истибдодни то сўнгги дамбага қарийб йигирма йил тинимсиз ларзага солиб силкитиб турди. Охири-охири истилочилар уни маҳв этишга қарор қилдилар. Лекин ҳаёт ватарихининг қудратига

Давоми иккинчи бетда

Шеърӣ лаҳза
ШОЗА ДИЛ БИЛАНИ
Кел, эй азиз дўстим, даврани кенг ол,
Эрқ истиклолдан суҳбат қурайлик.
Озод юртимизга тоза дил билан
Оллоҳдан омонлик, тинчлик сўрайлик.
Муаммо кўп дединг, тўғри, осонмас,
Мустақил бўлмоқнинг ўзи бўлмайди.
Олти йилда қанча-қанча ўзгарди,
Буни кўрмаганимиз кўзи бўлмайди.
Ҳали мушуқлар кўп, муаммолар кўп,
Аммо ҳал бўлажак барчаси албат.
Биз — Темур авлоди, қасд қилсак агар,
Қурамыз беэвалов бир буюк Давлат.
Ҳозирча қўлнингдан келса, биродар,
Қийналган қўшинингга мурувват қўрсат.
Ноғирон, ёлғиздан меҳринг аяма,
Эртага кеч бўлар, кутмайди фурсат.
Эртага бой бўлар элу юртимиз
Ҳожати қолмайди хайру эҳсонинг.
Чўнки қудрати зўр — бадавлат юрда
Қадри баланд бўлар азиз инсонинг.
Уста НЕЪМАТ

«ОИЛА ТАҚВИМИ»
Журналист ҳаётдан бир қаддам олдинда юриши керак, деган ақида аслида қуруқ гап эмас. Ҳар қандай газета қамиди бир кун илгари тайёрланади, макетлаштирилади, саҳифалар қайта-қайта ўқилади ва ниҳоят бугун ўқувчилар қўлига теккан «ҳаёт кузгуси» аслида кеча тунда чоп этилган бўлади. Газетхонлар бугун ўқитган янгиликлардан унинг ихдоркорлари — журналистлар бир неча кун илгари боқибар бўлишлари шарт...
Ҳамма-ҳамма янгиликдан доимо хабардор юриш мушкул. Бугун юз бераётган воқеа-ҳодисалар бошқа гап, тарихий саналар, байрамлар, халқро нишонланадиган кунлар... барчасини бирдек ёдда тутиш осонмас. Журналистлар учун худди шу масалада ҳашигина «ҳастак» — тақвимидир. Тақвимини варақлаётиб, кейинги кунларда қандай саналар бўлишини осонгина билиш ва газеталарда шунга яраша мақолалар ёритишга ҳозирлик қилиш имконини берилади.
Бу ҳаётдан тақвим нафақат тақририят ҳодимларига, балки, турли ўқув муассасаларга, ташкилотлару корхоналарга ҳам жуда асослади. Умуман, ҳар бир оила учун муҳим ва қизиқарли нашр ҳисобланади.
Демак, мақсуд тақвим ихдоркорлари ҳаётдан бир неча йил илгари «қадим ташлашлари» тақозо этилади. «Ҳамал» хусусий корхонаси директори, шор Бахтиёр Бобонов ўзунчи Ойини Бобоновларнинг «Оила тақвими»ни йилма-йил тайёрлаб бораётганлиги таҳсинга лойиқ дур.
Янги — 1998 йил эшик қўқишга ҳали анча бор. Янги йил «йилнома»-си эса аллақачон ўқувчилар қўлига теги.
Тўлқин ЭШБЕК

КАШФИЁТ **5-бет**
Давоми иккинчи бетда

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?
Обуна пайти тахририятларда иш янада қизғинлашиб кетади. Муҳаррирлар ҳам «Қани, обуначибол материаллар борми, газетхонни қизиқтирадиган, бир-бирдан сураб олиб ўқийдиган нималарингиз бор», деб ҳодимларни тезлаб қолишади. Ҳар йили куз ойлари вилоятларда, олис туманларда газетхонлар учрашувлари бўлиб ўтади. Мақтов ҳам, танқид ҳам эшитишга турги келади. Шу ойлари хизмат сафарига чиққан ходимлар ён дафтарларини рақаму курсаттичларга тўлдириб, жойлардаги янгиликларни ўз кузлари билан кўриб, яхши амаллардан хурсанд бўлиб, камчиликлардан эса ранжиб қайтишади.
Яқинда Қашқадар вилоятининг Яққабоб, Чироқчи туманларида бўлиб, хужалик раҳбарлари, мутасаддилар, фаоллар билан учрашдик. Газетамизга ҳар икки туманда ҳам эътибор яхши. Аммо, ҳозиргача «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обунани расмийлаштирганлар сонига нисбатан ҳали...
Имкониятлар анча кўп. Иккала туманда биргина мактабларнинг сони 250 дан ортик. Уларнинг ҳар бирида, табиийки, адабиёт ўқитувчилари ва яна тарих муаллимлари бор. Шуларнинг узийқ бизнинг бир туман миқёсидаги обуна эҳтиёжини хал қилиб ташлаши мумкин. Бу гапни Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Шаҳрихон, Бўз туманлари мисолида ҳам айтишимиз мумкин.
Ушбу сатрлар қоғога тушганда Навоий вилоятдан бир митти хушнасими эсиб қолди: вилоят давлат педагогика институти ректори Раҳман Раҳмоновнинг хабар қилишича, институт ўқитувчи ва талабалари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га, «Муштур», «Миллий тикланиш» каби бошқа нашрларга қўллаб обуна булганлар.
Обуна муддати туғашига санокли кунлар қолди.
Шошилинг, азиз муштарийлар!

Тўхтамурад ЖУРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти

ҚАЛДИРҒОЧ РИЁЗИЁТЧИЛАРДАН ЭДИ...

Т. Қори-Ниёзий таваллудининг 100 йиллиги

Халқимиз ўз маънавияти тараққиётига хизмат қилган, илм-маърифат учун умрини бағишлаган ижод аҳлини, илм-фан фидойиларини ҳар доим улуглаб келган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бу соҳадаги ҳар қандай мафкуравий чегаралашларга чек қўйди, ҳақиқий ижодий эркинлик учун чексиз имкониятлар яратди.

Янги жамият, келажагимизни яратиб бу ижодий эркинликнинг кенг ривожланишини тақозо этади.

Шундай шароитда миллий маданиятимизнинг тикланиши, миллий гуруҳимизнинг юксалиши учун умрини бағишлаган санъат, фан арбобларини ёдга олиш ҳам маънавийтимизнинг бойишида муҳим ўрин тутаяди.

Мен ушбу мақолада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг биринчи президенти, атоқли маданият арбоби, машҳур математик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг илмий-ижодий фаолиятига тўхталмоқчиман.



би дарслик ва кулланмаларини ўқиб, илмини оширганлигини эслаш жоиздир. Қори-Ниёзий илм билан, олий ўқув юрталарида кадрлар тайёрлаш, жамоат ишлари билан қанчалик банд бўлмасин ҳаётининг охирига қадар мактабдан ажралгани йўқ.

Қори-Ниёзийнинг ўқитувчилик фаолияти ҳақида суз борар экан, қуйидаги воқеани эслатиб ўтиш жоиз. Маълумки, Қори-Ниёзий 1926-1929 йилларда Урта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетида ўқиган. Қизғин шундаки, ҳали талабалик чоғидаёқ у университетда маъруза ўқиган ва бу воқеа катта шов-шувга сабаб бўлган. Бунинг сабаби университетдаги ҳамма ўқитувчилар Русиядан келганлар бўлиб, улар дарсларни фақат рус тилида ўқитишар эди. Талабалар эса, аксинча, маҳаллий миллият фарзандлари — рус тилини билишмасди. Шунинг учун Қори-Ниёзийнинг математикадан ўзбек тилида маъруза қилиши катта воқеа бўлганди.

Қори-Ниёзий САГУни муваффақиятли битириб, тез орада фан номзоди ва доцентлик даражасига сазовор бўлади. 1931—1933 йилларда эса узи ўқиган САГУга ректор этиб тайинланади.

Т. Н. Қори-Ниёзийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти аниқ шу даврдан бошланади. 1936 йили у Ўзбекистон Халқ комиссарлари Совети қосидаги Фанлар комитети президиумининг раиси, аниқ чоғда Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарии, Халқ Комиссарлари Совети раисининг уринбосари, собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали президиумининг раиси, ниҳоят Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг таъшилотчиларидан бири ва унинг биринчи президенти, бўлади.

1946 йилдан то умрининг охиригача Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олий математика кафедрасига раҳбарлик қилди.

Т. Н. Қори-Ниёзий қаерда ва қандай лавозим-

да ишлаганини, интизомга ниҳоятда қаттиқ риоя қилар эди. У кишининг бир олижаноб хусусияти — вақтни қадрлаш, ҳар бир сониядан унумли, самарали фойдаланиш эди. Қори-Ниёзий айтиди: «Вақтнинг энг характерли хоссаси шундаки, уни мутлақо қайтариб бўлмади; унинг оқими утмишдан келгусига қараб, доимо бир йўналишдадир. Табиатда ҳеч қандай куч, қудрат йўқки, вақтнинг оқимини, ҳатто унинг бир лаҳзасини қайтара олма!»

Дарҳақиқат, ҳаётда бир мақсад сари интилган одам вақтнинг ҳар лаҳзасини қадрлаши лозим. Америкаликлар «вақт—бойликдир» деб бежиз айтмасалар керак.

Албатта, Қори-Ниёзий ҳақида суз юритар эканмиз, унинг номини жаҳонга машҳур қилган «Улугбекнинг астрономик мактаби» асари тўғрисида суз юритиш уринлидир. Ватанимиз илмий меросини урганиш соҳасида қилинган бу ажойиб асар ўзбек халқининг қадимий бой илмий, маданий, маърифий меросини дунёга куз-куз қила олди, у нафақат Қори-Ниёзийнинг, балки ўзбек халқининг қаддини ҳам баланд кутарди. Давлат мукофоти-га сазовор бўлган бу асар шунчалик машҳур бўлиб кетдики, 60-йилларнинг ўрталарида Варшавада бўлиб ўтган фан тарихига бағишланган анжуманда Қори-Ниёзийни «Мана, Улугбек» деб таъништиришган.

Т. Н. Қори-Ниёзийнинг яна бир асари Ўзбекистон маданияти тарихидан очерклар бўлиб бу асарни ўқиган одамда «Қори-Ниёзий математиким, ё тарихимиз!» деган савол тугилиши табиий. Чунки, унда олим илмий маданият тараққиётининг босқичларини аниқлаш, ҳар бир тарихий шароитни илмий таҳлил қилишдек гоյт мураккаб ва улкан вазифани шараф билан адо этган.

Устозимиз замон фарзанди, ватанпарвар, миллатпарвар инсон бўлганлиги шубҳасиз. Зеро, унинг матбуотда, радио-телевидениедаги чиқишлари албатта шов-шувга сабаб бўлганди. Қори-Ниёзийнинг вақтли матбуотдаги чиқишлари фан муаммолари ҳақида буладими ёки ёшларга насиҳати, одоб-ахлоқ хусусида, қандай мавзуда бўлмасин, тилининг соддалиги, халқчилиги билан ажралаб турарди.

Қори-Ниёзийдаги кенг қамровли салоҳият у ўн йилдан зиёд бош муҳаррир бўлган «Фан ва турмуш» журналда ҳам ўз аксини топган эди. Устоз журналига раҳбарлик қилган йиллари унинг муштариёлари 300 мингдан зиёд бўлган.

Қори-Ниёзий том маънода жаҳонгашта эдилар. Уч марта қайта нашр этилган ва қулма-қул бўлиб кетган «Ҳаёт мактаби» асарида Қори-Ниёзий ўзлари ҳақида шундай деб ёзган эдилар: «Маълум маънода ер юзини шарқдан гарбгача ва шимолдан жанубгача кездим, десам бўлади».

1967 йилда Қори-Ниёзийнинг 70 йиллиги республикамизда кенг кулдамда нишонланди. Тантанадан уч-тўрт кун илгари Қори-Ниёзийга қаҳрамонлик унвони берилганлиги тўғрисида фармон эълон қилинди. Аввало, ўзбек олимининг меҳнатлари қадрланганигидан, қолаверса, мен ҳам математик бўлганигидан — шундай устозларимиз борлигиндан фахрланамиз.

Ҳақиқатан ҳам бутун ноёб истеъдодини фан равнақи йўлида сафарбар эта билган Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг меҳнатлари биз учун қадрлидир. Халқимиз у кишининг фанимиз, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссасини ҳеч қачон унутмайди.

БИЗ ЙЎҚОТГАН ГАВҲАРЛАРДАН БИРИ

Яқинда радиодан «Қарсақлар» радиолари шеър эшитдим. Кечгача шу шеър таъсирида юрдим. Олти йилдан бери кўнглимда юрган бир ғашлик ва ундан ҳам олдин — уруш тугагун қўнғин эртасига пайдо бўлган бир алам билан ҳамонан экан, яна ҳам аниқроғи, уша аламларнинг ифодасига ўхшаб кетар экан бу шеър. Беихтиёр хотираларим жонларим кетди.

БИРИНЧИ ВОҚЕА. Уруш тўхтаганини биринчи бўлиб уруш жафосини ҳар сония чеккаб турган тенгқур уртоқларимдан эшитганман. Уша дақиқадаги ҳолатим ҳамон эсимда. Шаҳримиз четдаги Акси жинкчаларига бу хабар унчинчи май куни етиб борган. У вақтда радио шаҳарнинг фақат марказида бўлар, янги газета қамдан-қам одамнинг қулига етар эди. Уруш тўхтади... Куз ёшларимиз, азобларимиз тугади, Талин фронтдаги акалар тирик қолбдилар. Эҳтимол, қорахат келган тоғамлар ҳам омондирлар. Онамнинг бисотлариди, рўзгоримиздаги ҳамма нарсани сотиб бўлган, бу ёғига омонсиз очликни кутаётган эди. Уруш тўхтади!

Кун пешинга яқин, лекин кўчмазида, қўшни ховлиларда жимжитлик. Нега ҳеч ким овоз чикармайди, қувончдан ҳақирмайди?

Мен ушунда кўчада ялангоёқ, ялангоёқ бақириб юриши айб саналадиган, мўчал ёшдан утган қиз эдим. Одамлар уруш тугаганини билмай қолбдилар, деб ўйладим ва жинкучамиздан то қатти кўчага, ундан на жинкучамизнинг туринга ялангоёқ «уруш тўхтапте-её, уруш тўхтапте-её» деб, ҳаждондан нафасим озгизма тикилиб, кўчада ёш билан бир неча бор юргуним эсимда. Охири одамлар кўчага отилиб чиқмаганимни, қўнчилар қувончи кўрмаганимдан халгача менга номаълум аламдан қаттиқ йиллаб юрганман, «уруш тўхтапте-её»ни тўхтаста олганим эсимда. Шундаги эга бўлмаганимиз биздаги фуқаролик ҳиссини қарахт қилиб қўйган экан-да!

УЧИНЧИ ВОҚЕА. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида бажарилган бебаҳо илмий ишлардан бири 1981 йили нашр қилинган икки жилди «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»-дир. Бу асар Ўзбекистон лугатшунос олимларининг энг эзкукорлиги томонидан меҳнатда матонат ва соҳага сажоқат билан яратилган биринчи изоҳли лугат. Тилимиз нечоғли маънодорлиги намён бўлган бу лугатда биргина сузинг 40 га яқин маъноси берилган уринлар мавжуд. Мустақиллик элигимиз янглиг тилимизнинг ҳам қадрини кутарди. Изоҳли лугатни қайта ёзиш, уни кенгайтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ишга мустақиллигимизнинг биринчи йилдаёқ қириштилган. Лугат тўла бўлиши учун ҳозирги тилимизда мавжуд барча сузни йиғиб олиш, йиғиб олганда ҳам уни «паспорти» билан йиғиш лозим эди. Зеро, изоҳли лугат учун эшитилган суз ҳисоб эмас. Уша сузни кимдир (бадий асардами, илмий асардами, оммабоп мақоладами) ишлатган бўлиши шарт. Суз узи қатнашган жумла билан асардан аввал қўриб олинганда, тағига қайси асардан олингани, кимнинг асари экани, уша асар қайси йилда нашр қилинган ва бу суз қайси бетда учрагани ҳам ёзиб қўйилди. Бу қарточка ҳужжат уларок, институт қарточка фондиде абадул-абад сақланмоқ зарур. Бу осон иш эмас. Қарточкалар бир неча миллионлардан иборат бўлганда лугат тўлаликка яқинлашади. Бундан ташқари, тўзилган ҳар қандай қарточка ҳам лугатда ишлатишга яроқли бўлавермайди.

Икки жилди изоҳли лугат нашридан бир оз ўтган, олимлар лугатни қайтадан, тўла қилиб ёзиш зарурлигини тушунадилар ва тўлаликка эришиш ниятида уша лугатни тўзган олимлардан бири Тешабой Алқуллов «Суз дурларини қидириб» сарлавҳали мақола ёзди. Мақсад изоҳли лугатга кирмай қолган сузларни халқ ёрдамида тўлаб, қарточка фондиде тўлдириб олиш, маънавий, тил тараққиёти учун қанчалар зарурлиги, ҳатто юборилган қарточка учун академияни халқ ёрдамида сақламоқдалар. Биз эса ундай эмасмиз — бизнинг фуқаролик ҳиссимиз қотиб қолган. Менга нима деймиз — қуямиз. Узимизни, ҳаловатимизни ўйлаймиз. Топшириқни ҳужжурсинга бажаришга ургганмиз. Мустақиллигимизни мустақамлаш бунгунгиде энг масъуляти кунларда тоғи урса талқон қилдиган йигитларимиз миллият манфаатидан ўзларининг чўнтақларини усту-тун қўйиб, кўчаларда сақич, папирос, сув сотиб ўтиришдан ор қилмасликлари, аниқ шу пайтда завод, фабрикалар, мактабларда қанчадан-қанча бўш уринлар мавжудлиги шундан эмасмикин? «Мен мустақилликка нима бердим?», деб сурашдан қўра, «Мустақиллик менга нима берди?», деб сураш қўнғилга яқинлиги (афсуски, бундайлар анча-мунча) худди шу фуқаролик ҳисси билан боғлиқ эмасмикин?!

Шоирнинг ўз халқини оломан эмас, халқ ҳолида қуриш ораси ҳам ҳар бир ўзбекини ФУҚАРО даражасида қуриш истағи эмасмикин?

Ҳа бир воқеани айтиб берай: 1969 йил сентябрда турколик олимлар делегацияси сафиде Берлинда Гумболд Университетиде доклад қилгани борган эди. Уша вақтда эрда Иттифоқдан борган комсомоллар делегацияси ҳам бор экан. Улардан бири Унтер дер Линден қунасида шоколад ёб, қоғозини ерга ташлаб кетди. Беш-олти қадам юришга улгурган ҳам эдики, бир немис киши уни тўхтади ва қоғозни қўрсатиб, «Мехмон, бир нарсангизни тушириб қўйдингиз чоғи, узингиз оласизми, ёки олиб берарми?» деди (буни бизга гўд завқ билан таржима қилиб берди). Ер ёрилмади-ю биз — олимлар ерга кириб кетмадик. Орамизда қунасини суявчилар бисёр, лекин шундай қадрайдиганлар, ҳимоя қилдиганлар бормикан? Гап қунанинг тозаланиши сақлашдагина эмас эди, энди уйласам. У уша миллигата, унинг меҳнатига, ерга, ерга (ҳақиқи равишда) ҳурмат талаб қилар эди. Агар бундай ҳиссиёт бизда ҳам бўлганда эди, нодир қўнғимларимиз, асори-атикаларимиз юртимиздан қўиб чиқиб кетмасдик! Ленинградда аспирантлик йилларим Эрмитажга кириб турардим. У ерда музейнинг энг пастки қаватиде қирқ қулқоли қозонимизни қуриб, уни силардим. Не бахтки, уша қозон энди ўз жойиде. Салтиқов-Шендлин номиде қутубқонада ҳазрат Навоий асарларининг қўнғимизни қуриб ўқирдим. Иншооллох, у ҳам ўз меросирига қайтса. Энди, Мустақилликни қайта оли қилганда, қарсақ чалиш эмас, жон фидо қилсақ арзимайдики!

Илоҳо, Мустақиллигимизни қайтариб бердинг, энди дил ҳаваримиз — фуқаролик ҳиссини ҳам дариг тутмайсан! Бу гавҳартош нури дилимизни ёритиб, инсоф йўлидан бошлагуви, инсофдан асрагуви маъналага айлангай, юртимизга, бир-биримизга, ҳақиқатта, меҳнатта меҳр уйғутувчи тумор тош бўлгай.

Соракан ОТАМИРЖАЕВА, ЎЗ ФА ТИЛШУНОСЛИК ИНСТИТУТИНИНГ КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМИ, ФИЛОЛОГИЯ ФАНАРИ НОМЗОДИ

УЛУҒ АЛЛОМА ЁДИ

Тошкент автомобил ва йўллар техникумида кейинги пайтларда ёшларни овоз Ватан, мустақиллик гояларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган бир қатор маънавий-маънавий тадбирлар утказилмоқда. Яқинда назкур уқув юртида буюқ ҳадисшунос олим номиде-бу Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Техникум директори Жасур Қулмухамедовнинг қисқача қириш нутқидан сўнг улуг ҳамюртимиз руҳига Қуръон тиловат қилинди. Шундан кейин анжуман қатнашчилари тарих фанлари доктори Карим Норматов, танили шарҳунос олим Омонулло Буриев, ёзувчи ва ношир Ҳожиқабар Шайхон, газетамиз бош муҳаррири Аҳмадхон Мелибоев, шу техникум талабаси Камоллидин Зиёевларнинг аллома олим мероси ва уни урганиш масалаларига бағишланган маърузаларини тингладилар.

Таниқли шоир Нормурод Нарзуллоев, истеъдодли актрисалар Малика Иброҳимова ва Дано Эшонбоқоноваларнинг ўшлар маънавиятига доир чиқишларини талабалар ҳушундилар билан қутиб олишди.

Мазкур анжуманиннг иккинчи қисми Бухоро автомобил ва йўллар техникумида бўлиб ўтди.

Уз ахборотимиз

К. ОЛЛОЁРОВ суҳбатлашди

ЧўЛПОН ДАВОМ ЭТАДИ

Боши биринчи бетда қарангки, Чўлпон жисман йўқотилгандан сўнг ҳам, истибод ва қарамлик асосларини силкитишдан, ларзага солишдан тўхтамади. Бир зум ҳам тўхтамади. Тинмади. Унинг сузлари миллий истиқлолнинг фидойи аскарларига айландилар. Ҳа, Чўлпон озодликнинг қудратли реакторига айланди. Унинг сузида ураннынг кучи бор эди. Ва бу суз-уран озодлик реакторининг тинимсиз ишлашини таъминлар эди.

Шундай адилблори, фарзандлари бор халқ озодликни унутуши мумкинми? Озодликдан воз кечиши мумкинми? Озодликка эришмай умртгазорлик қилиши мумкинми?

Юз йилликдан узиға қўп илҳом ва самара олган дуствларимдан бири куни кеча шундай деб суради: — Бошқа халқларда ҳам Чўлпонга тенг келадиган сиймолар борми?

— Ҳар бир халқнинг гандилари, юрдақуллари, ота-турклари, рўзвелтлари бор. Лекин Чўлпон ер юзида ягона. Шеърятнинг олимпия машъаласини кутарган ва ҳамон кутариб бораётган шоир ягона. Унинг туйғуларига ягона, туйғуларини англашлари ягона.

Ислол Каримов бундан бир неча йиллар бурун маънавийнинг ўш мустақил давлат учун қандай аҳамият ва қандай моҳият касб этишини фалсафий жиҳатдан далиллар экан, ёрқин ва яшовчан бир фикрни айтган эди. «Маънавий тақдиринг эҳсони эмас, — деган эди у. — Маънавий инсон қалбиде камол топиши чун у қалбдан ва виждондан, ақл ва қўл билан меҳнат қили-

бошладик. Унинг юз йиллиги бир нишонлаб сўнг унутиладиган сана эмас. Юз йилда тирилиш, юз йилда тикланиш бу фарзанд учунгина эмас, миллат учун жуда катта тарихий воқеа. У янги дунёга келатган наслларнинг ҳам уз шоири бўлиб қолади. У утмиш адолатсизликларни ёриб бизга озма-оз бўлиди. Унда утмиш сабоғи ва келажак машъали муҳассаж.

Биз Чўлпондан беҳад қарздоримиз. Унинг орзуларини рўёбга чиқарибгина, у орзуларин оқод мамлакатни мустақамлаб ва тинимсиз куч-қудратга тўлатибгина биз ва биздан кейин келар насллар бу қарзни адо этамиз.

Биз тоталитар утмишга эмас, баайни Чўлпонга меросхўримиз. Жинояткор утмиш ва унинг сийбасига меросхўр бўлганлар, бўлаётганлар ва бўлишни истаганларнинг келажаги йўқ. Йўқ келажаги!

Чўлпон миллат олдиға қўйган улуг саволларга неча насллар жавоб бермоқликдан маҳрум бўлдилар. Маҳрумлиқ тугади. Чўлпон саволларини янги насллар ечадилар. Чўлпон суйган озодлик малағи энди бизни ҳеч қачон тарк этмағай! Юз йиллик уша омонсиз маҳрумлиқ бутунлай тугаганини яна бири қарра англади. Ва тарихий микёс касб этди. Биз Чўлпонни авайлаб ўқиймиз. Ардоқлаб ўқиймиз. Уни сийқа таърифларга қўнғиб ташламаймиз. У ўзбек янги шеърятининг ОЛИМПИАНИ яратди. Ва асрлар сари шу янги шеърятнинг, миллий тараққиёт гояларининг олимпия машъаласини адил кутариб боради.

Ҳар биримизнинг юрағиде бир ЧўЛПОН бор. Чўлпон уларнинг энг яхшиларидан биридир.

Иброҳим ГАФУРОВ

«ОЛТИН МЕРОС» ОДИМЛАРИ

Боши биринчи бетда — Кечирасиз, бу экспедиция ўз олдиға қандай вазифаларни қўйган? Умуман, хоризда олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Экспедиция таркибидан республикамизнинг кузга кўринган элиёлари, етук мутахассис олимлари урин олган бўлиб, Ҳиндистонда сақланган халқимизнинг буюқ фарзандлари яратган нодир қўнғимлар, санъат асарларини топилаш, ўқиб-урғаниш, иложи бўлса, юртимизга олиб келиш, бир суз билан айтганда, бизга маълум ва номаълум бўлган қадриятларимиз ила халқимизни оз бўлса-да, ошно этиш — асосий вазифадир.

Бундан ташқари, Туркиядаги этнономиязи қўмағи билан жамгармаси Анкара бўлими юртимизнинг бой тарихи, миллий қадриятлари, бугунги кунга турғисида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон ҳақида ахборотнома» номли турк тилидаги китоб ҳамда 37 ўзбек шоирсининг шеърлар тўпламининг лотин алифбосида ўзбек ҳам турк тилида нашр этмоқда. Шунингдек, яна Туркияда йиғиримага яқин ўзбекиларимизнинг ҳикоялар тўпламинини туркчада нашр этиш арасидада турибмиз. Уйлайманки, яқин кунларда бу ишларимиз яқиниға етиб, хориздаги дуствларимизни миллиятимизнинг бой маданий мероси, буюқ утмиши, бугунги билан таништиришимиз.

— Маълумки, марказдан кўра чекка худудларда ишларнинг олға силжиши, ўзгартилар ривожу анча қийин кечади. Шу маънода «Олтин мероснинг вилоят ва туман бўлиmlари қандай ишламоқда? Муаммолар, қамчиликлар ва қайсидир маънода тўсиқлар ҳам учраб турибдими?» — Тўғри, фикрингизда жон бор. Фаолиятимизнинг биринчи кунларида шу каби муаммоларга дуч келдик. Аниқсика, жамгармамизнинг вилоят ва туман бўлиmlарида молиявий жиҳатдан оқсалар бўлди.

Аммо, жойлардаги фидойи раҳбарлар, зиёлилар ва халқимизнинг бевосита қўмағи, қолаверса, бўлиmlаримизнинг етук, ёш иқтидорли раҳбарлари ишланувчанлиғи, ишбилармонлиғи билан муаммолар, қамчиликлар барҳам топти. Ҳозирги кунда вилоят ва туманларда миллий кутубхона, музейлар ташкил этилмоқда.

Бу ишга Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда республика ўқувчиларини ҳам жалб қилганмиз. Ёш авлодини маданиятимиз ва маънавиятимиз сарнашмаларидан баҳраманд этиб, миллий ифтихор, ватанпарварлик руҳида камол топтиришда бу жуда катта аҳамиятга эга.

Шу уринда, «Олтин мерос»нинг Бухоро ва Хоразм вилоят бўлиmlарининг Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари арафасида бажарган ишларини айтиб ўтиш жоиз деб биламан.

Шунингдек, Самарқанд вилоят бўлиmlарининг «Мерос» номли газетаси ҳам миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, ёшлар онига миллий ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини сингдиришда фаол хизмат курсатмоқда.

— Худойберди ака, айти қулларда олиб бораётган ишларингиз тўғрисида ҳам сўзлаб берсангиз. — Айти қулларда халқимизнинг буюқ фарзанди, қомий билим соҳибни Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйига таъйёрларик ишлари билан бандимиз. Халқроқ Амир Темур жамгармаси билан ҳамкорликда Аҳмад Фарғоний ҳаёти ва ижодиға бағишланган бадий филм ва адиб яшаб ижод этган жойлар тўғрисида видео-филм яратиш, унинг сақлини қолган асарларини ўзбек тилига таржима қилиб чўк этириш ҳамда Кува шаҳрида Аҳмад Фарғоний номиде музей ташкил этиш каби бир қатор вазифаларни амалға ошириш ниятида иш олиб борялмиз.

Шу билан бирга, яқин тарихимизда халқимиз маънавийтини бойитишға катта хизмат қилган, узиға хос мактаб ва йўналиш яратган фан арбоблари, адабиёт ва санъатимиз фидойилари ҳақида 35 та

Умида Абдузимова

«НЕКИ КЕЧДИ КҲУНҲИДА КЕЧДИ»

МЕНСИЗ

Жовдирайди кўларим сенсиз, Шафтолилар ёрар бошимни. Довдирайди сўзларим сенсиз, Шамол синар чўнг бардошимни. Сенсиз кўёш ёпиб паранжи, Хира тортар юлдузлар тунда. Топилмайди бирор юпанчим, Кўнгил хира бўлади кунда. Кунда дарду ҳасратларимга Бухородан қарга тош отар. Тошлар аро ўқис бағримга Кирмоқ бўлган ел ҳам тош қотар. Кунни кўрмай, юлдузни кўрмай, Шафтолидан калтак еб юрган Ҳаётимдан бир огиз сўрмай, Кунни санаб сени деб юрган Висолингга озурда жонга Садокатинг чинми? — деб сўраб, Сен ҳам сенсиз ўтган ҳар онга Тош отдинг-ку, ваҳмга ўраб?.. Сенсиз кўёш ёпиб паранжи. Зулмат тортиди юлдузлар сенсиз. Кўёш, юлдуз хиралашдимми, Сен ҳам энди қоласан менсиз!...

Мени ҳеч ким пайкамай қолди, Уришмай ё мактамай қолди. Ҳеч бўлмаса орқа-олдимдан, Бармоғини ниқтамай қолди. Алам қилапти ёлғизлик, Зада кунлар аро чалғишлик, Чалғиб майда кечмишим аро Бўлаяман гарчанд олқишлик. Лекин қачонгача йўллардек Қотиб ётажакман, кўллардек? Қадм қўйдим билиб-билмасдан, Умидворман, ўзи кўллар деб. Неки кечди кўнгилда кечди, Кўнгил кўнди, кўнгил кечирди. Қулоғимни тутаман сўзга, Гоҳо ошкор, гоҳида сир деб. Лекин қачонгача йўллардек, Қотиб ётажакман кўллардек? ...

ШУ ДУНЁДА

Бу дунёни танийман мен, Яшаганим қачонлайди! Дала-дашти таниш дейман, Совуқ дарё ачоллайди. Тоғу тоши чўкиб ётар, Тилсимотин ўкиб ётар, Лорсиллаган тупроқлари Ризку рўзим тўкиб ётар.

Турфа ишин биламан мен, Ёзу кишин биламан мен. Одамлари, одатлари, Деб тирилиб, ўламан, мен.

Сабрим менинг шу дунёда, Жабрим менинг шу дунёда, Кетар бўлсам, қайга кетай, Қабрим менинг шу дунёда...

Кизгонаман, сени кунларим, Сув оққандек ўтган борасан. Кўзларимда қотган уналарим, Овозларим ютиб борасан. Сендан — ўзни қари сезишим, Тўқис бахтдан нари сезишим. Ҳар бир куним — ўтган умрим деб, Мунгайишим, гариб сезишим. Яшаб кўйди сезгим юз ёшни, Хум бўлди дил ичиб кўз ёшни. Тўлинлашган ой эдим бир пайт, Яширгандим дилга оташини... Энди сени бўлиб боряпман, Кузги гулдек сўлиб боряпман. Мадалашган грам ситилмай, Дарду гамага тўлиб боряпман.

Бир кун келар ёрилар дунём, Шаффоф нурга қорилар дунём. Орзу ёки мавзу бўлиб мен, Тугилганда тор бўлар дунём...

ЎЗИМ БИЛДИМ

Мени сен қанчалик севдинг, ўзим билдим. Ойим деб, кунчалик севдинг; ўзим билдим. Висолингга шуълаландим, тўлинландим, Чўлгандим — шунчалик севдинг, ўзим билдим.

Жоним, дединг, жоним чиқди ховучимга, Ташнаганиб сипқорининг — овуңчимга, Лаҳча чўгман, булут тойиб йиқилди-ку, Пойимга дўл ёмғир дўнса — севинчимга.

Муҳаббатга толиб бўлдим, ўзим билдим. Мағрур қаддан голиб бўлдим, ўзим билдим, Оро йўлдан қайтолмасман, қайтолмасдан, Мехру қаҳрим айтолмасдан... ўзим билдим.

Ичимга гап сиздиролмай тафтим баланд, Кундан-кунга шижоату забтим баланд, Қачонгача тилим тишлаб ўтай энди, Қўтарганда бошинга ўт қафтинг билан?!



ҲЕЧ НАРСАНИ КЎРМАБСИЗ

Кеча сиз ҳам бўлиб боғ ичра, Ҳеч нарсани кўрмабсиз, билсам! Чунки мен ҳам боғда оҳ ичра Эдим, суҳбат кўрмабсиз, билсам!

Мен-ку майли, қалбим розини, Қушлар айтди, тингламадингиз. Гуллар бундан эътирозини Билдирдилар, англамадингиз.

Муҳаббатли висолга етмак? Истаб сувлар чопиб кетдилар. Сўнг қушлар шўх, гуллар шод, демак Бари бахтин топиб кетдилар.

Сиз-чи Мен-ла суҳбат кўрмабсиз, Демак, ҳеч нарсани кўрмабсиз...

Вужудимда туйғулар жанги, Савр ойин чакин жаранги, Қарга-зоғлар аро қаранги, Булбулларнинг торин таранги. Кемтигини кемираман, дил, Қулфатини емираман, дил, Ғунчайдим, гул бўлдим баҳорда, Мева бўлиб семираман, дил. Ер тўярми, тўқилсам тутдек? Тик турарман, борлигим бутдек. Вужудимда туйғулар ўтдек, — Қанотларим чайир бургутдек! Қораланмоқ, ёришмоқ нега? Хазонларга қоришмоқ нега? Хазоним ҳам мевага эга — Сен умримга солмагин чега! Тоққа чиқдим, тудшим баъзан чоҳ, Иззам кетди, кетди мазам гоҳ, Узлатимдан айлаган огоҳ, Умидворман ўзингдан оллоҳ!

Кутлаймиз! ЎШАА ОҚШОМ, НУРАИ ОҚШОМ

— Низом ака, олтишга қирибдилар, бир нарса ёзиш керак, — деганида, аввалига муҳаррирнинг бу гапига, аниқроғи — Низом акани бор буй-баста, ҳатти-ҳаракати, гап-сўзлари, қиёфаси билан кўз олдимга келтирганимда, ишонмадим. — Ҳа, шундай, бир нарса ёзиш керак, фақат, Низом аканинг ўзидай ғайритабиий ва ажабто-вор бўлмоғи лозим.

Ушал оқшом бу хабарни телефон орқали Эркин Аъзамга етказдим, ҳайратланиб, қуйни-боғини қириб-қириб ишонмади у ҳам, ушал оқшом Эркин ака бу гапни шубҳасиз Хайридин Султонга айтган, Хайридин бўлса Бобурийларга хос босиқлик ила мулоҳазага ботган ва уз навабатида у ҳам ишонмаган, кўнглидан нималардир кечган, нималаридир ўйлаган.

Ушал оқшом нури, мунаввар оқшом эди... Набижон Боқий «Нима бўпти, яна олтиш йил яшайди!» деди, Ҳожи дўстимиз «Машаллоҳ!» дебон Яратгани эслади, Эшон бо-бо, ҳар доим кўнгли тўқ ва кўркли Саиднеъмат эшон «Шу Низом аканинг ҳам фирма-пирмаси борми», деб қизқисиниб қолди.

Шукр ака чопонни аллақачон олиб қўйган бўлса керак... Ҳуллас, биров шоир, биров ёзувчи, яна биров мутаржим, кимдир директор, «биров соғу биров носог» (Низом аканинг гапи) деб ўйлайдиган Низом ака, Низом акаимиз, Низом Комилининг олтиш йилга тўлганлиги оилавий-ҳаётий, умрий ва дунёвий, газетавий ва уюшмавий факт сифатида бир кеча-кундуз давомида тасдиқланди.

Бугунга келиб олтишга қирган ихдор ҳақида сўз айтмоқ учун олтишини йилларга назар солимоқ жоиз. Ўзбек шеърининг янги тонглари Эркин ака, Абдулла аканинг тоза, ёруғ шеърлари ила отган паллалар, назмда ҳам, насрда ҳам шўбнамга қоришган жонбахш насимлар уфурган шукўхли йиллар...

Низом аканинг ўзи у дамларни меҳр билан, соғиниб билан бундоқ эслади: «Олтишинчи йиллар... Ажиб боқира йиллар эди. Ўша йиллари мен икки ёш шоир — Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан «Еш ғардия» (ҳозирги «Кама-ла») нашриётида бирга ишлардим. Ҳаммамиз ёш эдик, бўйдоқ эдик (Эркин ака таъбири билан айтганда «изланмиш»да эдик). Улар шеър ёзишдан чарчамасди, мен эшитишдан. Бир кун Абдуллажон ишга келиб: «Ака, битта шеър ёздинг, ўқиб берайми?» деса, эртаси кун Эркин ака: «Низомжон, битта газал ёздинг, эшитасизми?», деб қолардилар.

Энди ўйласам, икки азамат шоиримиз ижодидаги энг гўзал шеърларга «доя»лик қилган эканман. Шу маънода мендан бахтли одам камдан-кам топилса керак.

Дарвоқе, ўша кезлари ўзим ҳам бировга кўрсатиб, бировга кўрсатмай шеърлар ёзиб юрардим. Бирдан ҳақиқий назм гулшанига қириб қолдим қилиб юрган ишимдан қаттиқ хижолат чекдим, машқларим кўзимга жуذا гариб кўриниб кетди. Бориб-бориб бу «хунар»ни йиғиштирдим.

«Тафаккур» журналида у йилларнинг бир ёруғ лаҳзаси Низом ака, Эркин аканинг бирга тушган суратлари тилсизда чоп этилган-ки, бу суратни Низом ака кўзда ёш билан тақдим этган бўлса керак.

Ҳар гал кўнглидан галати бир гап кечади: Марҳум грузин адиби Нодар Думбадзе мабодо ўзбек тилини билганида, бор малоҳату зарофати ила тушунганида бу тили ва «Абадиёт қонуни», «Оқ байроқлар», «Қурача» сингари асарларини ўзбекчада ўқиганида, келгин эса фалақининг гардиши бу икки зот — ёзувчи ва мутаржимни бир-бирига дуч қилганда қандай ҳолат юз берган бўларди? Шубҳасиз, қадрдон ака-укалардай, «қўзда ёшу лабда табассум билан», қучоқлашиб қуришарди улар.

Бу улуг адибининг асарлари Низом ака таржумасида ўзбек адабиётида ааж пардада, сидидилдан айтилган, унутилмас, барҳаёт қушиқлардай дунёга келдики, ушбу насрий қушиқлар китобхонлар қалбига муҳрланиб қолди. Низом ака, ўзи айтмоқчи амалга «йиғиштириб қўйган», лекин кўнглида, вужудда сунмаган «хунари» — шоирлигини бор ҳарорату эҳтироси, тўғёни исёнлари,

қаттиқ ёмғир, орқасидан ҳар бири ёнғоқдай-ёнғоқдай дўл ёғди. Бечора энам мени ахтариб мактабимизга борибди-ку, сураб суриштириб Шуртепага қараб чопибдилар. Ул-ку қайрағоннинг тағида жон сақлаб турганимизда бизни топиб олдилар.

— Э, болажоним-а, — дедилар энам, — ахтармаган жойим қолмади-я?!

Уша кунни шамоллаб ётиб қолдилар. Акаларим, опаларим мени роса қойишди. Хузурларига киришга, кечирим сўрашга юзим чидамайди. Қўзларига қаролайман. Эртаси кун қўшнимизнинг хотини овқат тайёрлаб энамни қургани келди. Иссиқлари

қаттиқ ёмғир, орқасидан ҳар бири ёнғоқдай-ёнғоқдай дўл ёғди. Бечора энам мени ахтариб мактабимизга борибди-ку, сураб суриштириб Шуртепага қараб чопибдилар. Ул-ку қайрағоннинг тағида жон сақлаб турганимизда бизни топиб олдилар.

— Э, болажоним-а, — дедилар энам, — ахтармаган жойим қолмади-я?!

Уша кунни шамоллаб ётиб қолдилар. Акаларим, опаларим мени роса қойишди. Хузурларига киришга, кечирим сўрашга юзим чидамайди. Қўзларига қаролайман. Эртаси кун қўшнимизнинг хотини овқат тайёрлаб энамни қургани келди. Иссиқлари

қаттиқ ёмғир, орқасидан ҳар бири ёнғоқдай-ёнғоқдай дўл ёғди. Бечора энам мени ахтариб мактабимизга борибди-ку, сураб суриштириб Шуртепага қараб чопибдилар. Ул-ку қайрағоннинг тағида жон сақлаб турганимизда бизни топиб олдилар.

— Э, болажоним-а, — дедилар энам, — ахтармаган жойим қолмади-я?!

Уша кунни шамоллаб ётиб қолдилар. Акаларим, опаларим мени роса қойишди. Хузурларига киришга, кечирим сўрашга юзим чидамайди. Қўзларига қаролайман. Эртаси кун қўшнимизнинг хотини овқат тайёрлаб энамни қургани келди. Иссиқлари

қаттиқ ёмғир, орқасидан ҳар бири ёнғоқдай-ёнғоқдай дўл ёғди. Бечора энам мени ахтариб мактабимизга борибди-ку, сураб суриштириб Шуртепага қараб чопибдилар. Ул-ку қайрағоннинг тағида жон сақлаб турганимизда бизни топиб олдилар.

— Э, болажоним-а, — дедилар энам, — ахтармаган жойим қолмади-я?!

Уша кунни шамоллаб ётиб қолдилар. Акаларим, опаларим мени роса қойишди. Хузурларига киришга, кечирим сўрашга юзим чидамайди. Қўзларига қаролайман. Эртаси кун қўшнимизнинг хотини овқат тайёрлаб энамни қургани келди. Иссиқлари

қаттиқ ёмғир, орқасидан ҳар бири ёнғоқдай-ёнғоқдай дўл ёғди. Бечора энам мени ахтариб мактабимизга борибди-ку, сураб суриштириб Шуртепага қараб чопибдилар. Ул-ку қайрағоннинг тағида жон сақлаб турганимизда бизни топиб олдилар.

— Э, болажоним-а, — дедилар энам, — ахтармаган жойим қолмади-я?!



«У ҳаётни, одамларни, она Гуржистонни адоксиз бир муҳаббат билан севарди. Адиб ўз ижодида нопоклик ва адолатсизликка қарши аёвсиз ўт очиб, эзгулик ва олижанобликни таранмуз этди. Нодар Думбадзе номи билан аталадиган улкан кема ҳозир ҳам дунё уммонларини кезиб юрибди лекин йўқми — бунми билмайман, лекин Тбилисининг қоқ марказида кичкинтойлар учун адиб ташаббуси билан барпо этилган «Мзиури» — «Кўшжон» боғида бола-ларнинг шодон қаҳ-қаҳиси бир зум тинмаслигига шубҳам йўқ.

«Абадиёт қонуни», «Оқ байроқлар», «Қурача» каби асарлар таржумаси жараёнида бу имони бут Инсон билан ғойибона суҳбатлашган дақиқаларимни мен ҳаётимдаги энг масъуд дамлар деб биларман.

Батон Нодар, Нодар ога бу сўзларни эшитмай, билмай кетди, эсиз! Саксонинчи йилларнинг бошлари эди, кўлама, ҳаммаёқ мунаввар ва муаттар, бир кунни Гафур Гулом нашриётида тўқнаш келиб қолди. Низом аканинг кайфи чоғ эди.

— Ие, Сирожиқдин укам, бу ерда нима қиб юрибсиз, ёш шоир ҳам шунақа бўладими, бу ёши баҳор бўлса, юрмайсизми боғларда, тоғларда мазза қилиб... Ҳа, кебсиз, бўлмаса эшитиб кўринг-чи:

Кетдик улуг шоир билан боғлар сари қўйдик қадам, Олам гагин сўзлай десам, оламни суйган ул ҳакам Ишқий газал айтур эди: «Ошиқ туморидагилар ситам, Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам, Ваҳ мунча офатму бўлур бир одамизот устина?»

Бу — Омон аканинг «Оғаҳий газалига мухаммаси мулоқот»идан бир парча эди, Низом ака кейин ҳам узоқ йиллар бу сатрларни айтиб, мутаассир бўлиб юрдилар. Гуржистон халқининг фахри бўлиши, унинг маънавий тилсизларидан бирига айланган улуг адиб асарларини, демакким гуржистон элини, матонатли, саховатли элини ўзбек тилида йилгитан, севинтирган, қушиққа айлантириб, навобахш этган Низом акаимизнинг ўзи бир тола дардли куй, бир сатр яхши қушиқдан адоий-тамом, «шамойили селу себор шаклинда».

Бир ажиб боғ ичра жонон ўлтурур, Соғларин ёйиб шамол ўйнаб турур. Сезмайин қолди ёнига борганим, Ваҳ, санам бунда паршон ўлтурур. Ушал оқшом бир нури, бир мунаввар оқшом эди.

Дархатларнинг суккутида — уч ойидан сўнг келадиган кўлама соғини, бир илқ эпкин, тоғларданми, даштларданми адашиб келиб қолган бир юшмоқ насим уларага тасалли бергандай, кўнглини кўтаргандай ноҳос эсди-ю дарров тинди, ушал оқшом Низом аканинг ҳаёт санаси моддий факт сифатида тасдиқланган бўлса-да...

Совуқ қолди яна ошу гизом, ака, Қалб биландир менинг баҳсу низом, ака.

Мен қалб десам, қирқ чайқалиб, қирқ қалқингиз, Ўз қалбидан ризою норизом, ака. Ою йиллар доим шундоқ — айқаш-ўйкаш.

Бу дунёда ўзи йўқ интизом, ака. Олтиш ёшга қирибсиз деб жар солсам мен, Ҳеч бир кимса ишонмади, Низом ака!

Сирожиқдин САЙИД

Тун яримлаб қолган. Тандиндан ҳозир узилган нондай қизариб, оқариб бўлимаган ой бир парча булуғтин олдига солиб ҳайдаб кетаяпти. Осмон артилган шишадек ярқирайди, оқ салла ураб олган вазимин чолларни эслатувчи тоғлар оқариб қуринади. Ариқлар бўйида қаққайиб турган дароз тераклар билан-биланмасилкини кўяди. Охира эсиб турган салқин шабадада барғлар бир-бирига маънос урилади. Ой нурига қоришиб кетган соқиллик кечанга жон салобат, ҳам нафосат бағишлаб турибди.

Бу тақдорланмас гузалликдан энтиқиб-энтиқиб энамни эсламан. Унинг ҳорғин қиёфаси кўз олдимда тақдорланаверади. Гуё гоҳ юлдузлар, гоҳ тераклар орасидан менга ташвишланиб боқиб турганга ухшайди. Мехрибон, рўзгор ишидан кавариб кетган бармоқлари бошимга тегиб кетгандай бўлади.

Бугун энамдан ажралганимга ўн беш йил тўлди. Жудодик масофаси узайган сайин мехрибон сиймолари менга янада аниқ-тиниқ қуринади. Гуё юзимга иссиқ нафаслари урилиб тургандек ҳис этаман узимни.

Энам жудама болажон эдилар, бир этак набирага узлари қарардилар. Ҳовлини сулурадилар. Набираларини овқатлантирардилар, ухлардилар. Кечки овқатни ҳам тайёрлаб қўярдилар.

Бир кун ишдан келсам энамнинг юзлари анча сўлгин кўринди. Румол тагидан чиқиб турган оппоқ сочлари бир оз тўзуган.

— Эна, тинчликми? — дедим хавотирланиб, — тобингиз қонганми? — Яхшиман, болам. Бир оз чарчاپман. Болага қараганда кура даштта чиқиб кетмон чопиш осон экан. Далада ихтиёринг узингда утириб нафасингиз рост-лайсан, истасанг қўзилиб ҳам олсан. Бола эса чарчавганин ҳам, икки кўнглинги узилиб тушавганини ҳам билмайди.

— Эртдан янгам даштга чиқмасинлар. Бизни калхоздан қучириб юборишаркан. Лекин бу хатоларни жуذا кеч ангарканмиз. Аламимга чидолмай кукка қарайман. Боя бир парча булуғтин қувиб кетаётган ой тепамада муллаққ осилиб турибди. Юзидан доғи энамнинг ажин босган қиёфасини эслатади. Бу ажинлар энам ҳаётий чоғида қилган хатоларини эслатиб туриш учун босилган муҳрга ухшайди, юрагимни эзади, қалбимнинг тубида безовталик уйғотади, бошимга санчиқ олиб қиради...

— Эна, энажон, — дедим қўламан, Лекин овозим бугунга тикилади, — оймамага айланганмисиз, энажон? Оймамадан-да узоқларга кетганимиз, энажон? Сизни соғиндим, сизни кўргим келаяпти, энажон...

Ой мендан ҳадиксиратгандек яна силжий бошлайди. Фалақинг бу сулув тилсимни кишини уйлантиради. Менимча, бедорликчи у эналардан урганган. Унинг тонгача беҳаловат уйғоқлиги унга фақат эналардан кучган. Беминнат нур сочиш фазилатини ҳам унга эналар бахш этганлар.

Тўзгитилган пахтадай чангиб ётган булутлар орасига — Уғлим, — дедилар бир кун мени ёнларига қақирар эканлар жилмайиб, — катта акан ва опаларингга иккинчи эна бўлиб тушганман. Уларнинг онаси вафот этган. Шунга мени баъзилар «ўғай момо» деб қақирарди. Бундан жабдинг қиёмасин. Мана кураган энам, ҳали баҳанин чин мосуи бўлам.

Энам отамга иккинчи хотин бўлиб тушганларида акам беш, опаларимдан бири уч, иккинчиси икки ёшда экан. Энам уларага ўғайликни заррача сездирмаган эканлар. Аксинча, ўқиб қолишларидан қаттиқ ташвишга тушганлар, мудом атрофларида парвона бўлганлар. Акамни, ҳам, икки опамани ҳам эналик меҳри билан парвариллашганлар. Уйли-жойли қилганлар. У кишининг чеккан захматлари зое кетмади. Акам ҳам опаларим ҳам энамни сўнгги кунларигача бошга кутариб юрдилар.

Ҳали-ҳануз янгамнинг илк чақалоқ қилган кунини қувонч, ҳаяжон билан эсламан.

— Келин, — дедилар энам уша кун доғ кампир ёрдамида чақалоқни йўрқақларканлар, — кун раҳмат сизга. Бу

Файзи ҲАЙДАРОВ
ЎҒАЙ МОМО
(Бадиҳа)



Соғинч

Хайрулла Саъдиев билан бўлажак мулоқот режиссини тузганда «Ишим осон кечади», деб ўйланганми. Сабаби «қахрамонимни яхши биланман, савол-жавобимиз нари борса бир соатлар чамаси бўлади, уни бир зумда қозоғга туширман», деган фикрда эдим.

Бироқ... Аввало у кишини топиш қийин бўлди. Уйлари қунгирак қилсам, кунинча ҳеч ким гушақни кутармайди. Ёки Малика келиннинг овозларини ашитман: Театрлар... Киностанда бўлсалар керак... «Телевидениега утаман», дегандилар... Оғайнилари туй қилаяпти, қарашгани кетдилар... Маҳаллада хашарда... Самарқандга кетганлар... Гастроллар...

...Ниҳоят, мана Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев билан юзма-юз утирибмиз.

— Орамизда «артистларнинг ошиги олчи-да, театрга бир келиб, бир кетиб, сахнада кўриниб кўяди-ю, дўпписини отиб юраверади», — дея фикрлайдиганлар ҳам бор. Мен албатта бундай ўйдан йироқман.

— Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу-тарозу, деганларидек актёрликнинг олқиш ортидаги машаққатлари ҳам бор.

— Ўзи бу касбнинг ноини қачондан ея бошладингиз?

— Биринчи маошини 1963 йилнинг 15 октябрыда олганман. Ёдимдан чиқмайди, ундан ажратиб суянган тоғим, ишонган боғим, аям — Маҳбуба Қодировага кўйлақлик олганман. Аслида онамнинг актёр бўлишимга қаршилик қилганлар. Уларни ҳафа қилмаслик учун аввал тўқимачилик, кейин халқ хужалик институтларига хужжатларимни топширганман. Халқ хужалик институтига кириш учун синов имтиҳонларидан утганман, «кира олмадим» деганман. Бир йилга яқин Чкалов номидаги авиация ишлаб-чиқариш бирлашмасида ишлаганман. Кейин ҳеч кимга айтмай, амакивачам Лутфулла Саъдуллаев билан Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтига хужжат топширганмиз. Синовлардан муваффақиятли утиб талаба бўлганман. Бунда Ўзбекистон халқ артисти, устозим, марҳум Назира Алиеванинг хиссаси катта. Мендан ҳар гал «нима учун шу касбни танлагансиз», — деб сўрашди. Аънавий бу саволга мен ҳар сафар «дамга ухшагим келгани учун», — деб жавоб берарман. Дарвоқе, укам таниқли санъаткор Едгор Саъдиевнинг жавоби ҳам шундай. Купинча: «Аям нима учун дастлаб актёр бўлишимга рози бўлмадилар?» — деб ўйлаб қоламан. Уларидан сўрасам, жавоб бериш урнига чақилдилар. Балки бу касбнинг оғирлигини билганликлари сабаб бўлгандир?.. Ҳар қайда, актёрликнинг маошидан олган кўйлақликни кулларига олган. юзлари узгариб кетди, кузларида ёш қуринди...

— Демак, Сиз ўзингизни 1963 йил кузидан актёр деб ҳисоблайсизми?

— Э... йўқ! Бу касбнинг паст-баландини олгунимча анча вақт ўтди. Талабалик саҳнаси билан театр саҳнаси орасида катта фарқ борлигини кейинчалик сездим. Ўзи энг аввало Ҳамза теат-

ри саҳнасида устозларимдан бири, режиссёр Зухур Қобулова кўйган «Булутлар тарқалганда» спектаклида қатнашганман. Тўлқин Тожиёв билан дублёр эдик. «Энди шу театрда ишлаб кетаман», — деб юрганимда мураббий устозим Тошхужа Хужаев ҳовуримин босган: — «Йигит сиз асли ёш томошабинлар театрига моссиз. Адашманг», — деган. Йўланма ҳам Охунбоев номидаги ёш томошабинлар театрига бўлган. Чини, бошланишда бу ерда нимани ҳам ўйнаш мумкин деган халғ борганман. Лекин Иброҳим Аҳмедов, Афандихон Исмоилов,

ларнинг уз давраларида туб қуяди. Ҳасад дейимизи, кўра олмасликки, ютуқлардан шийинликки, шавқатдуншуратдан бош айланишимки, худбинликки — бунга сабаб бўлади. Артистларнинг ҳаммаси шундай демоқчи эмасман, демайман ҳам. Оллоҳга минг қатла шукурки, Ўзбекистонда оққунли, самимий, фидойи артистлар куп. Улар театрларимизни ушлаб туришибди. Шогирдларини ҳам узлариди бўлишлари учун жон куйдиришапти.

— Бирор бир пьеса саҳна юзидан кўриб, томошабинга тақдим этилгунча

ан образларга бурсак-да, анъанадан воз кечиб, мулоқотимизни бошқачароқ давом эттирсак. Яъни, Сиз яратган ролларни мен эмас, ўзингиз шарҳласангиз. Ўзингизни ўзингиз баҳоласангиз.

— Албатта, артист яратган образларга одил ва ҳаққоний баҳони муҳлис, томошабин беради... Бироқ бу савол менга ёқди. Халқимизда «Ҳар кимки узига, ой қуринор кузига», деган мақол бор. Энди артист борки, чекига катта-кичик рол тушди-ми, ушанга бор имконияти, куч-гайратини ташлайди.

дан бирига ҳам исму, ҳам фамилиядан адаш эди. Раъно билан институтда бирга ўқидик. Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрига бирга қабул қилиниб, спектаклларда бирга иштирок эта бошладик. Раъно бир оз туладан келган, сузларию ҳаракатлари ўқтам, санъат, театрни жуда яхши тушунадиган, куп ўқийдиган, изланадиган, ута нозик санъаткор эди. Унинг орзулари куп, жумладан режиссёр бўлишни ният қилиб шунга тайёргарлик қураётганди. Хасталикка чалинди. У дунёда тинч ётишини, жойи жаннатдан бўлишини Яратгандан сурайман. Раънодан қолган ўғлим Сардорнинг икки фарзанди бор. Айрилиқдан бир оз ўтган, тақдиримни Малика билан боғладим. У чет тиллар институтини тугаллаган, ҳозир туризм соҳасида ишлайди. Санъатни, театрни жуда яхши тушунади. Дастлабки танқидим. Маслаҳатларидан тегишли хулосалар чиқараман. Малика билан ўғиллар, қизимизни вояга етказдик. Тинч-тотув ашаъимиз. Яна бошқа ҳаёт сил-товларига сирдош, дилдош дустим, республика кўчир-чоқ театрининг артисти Тоҳир Махрамов, ҳамдардим Ботир Зокиров, охсоним Наби Раҳимов, ҳаммаслагим Садр Зиевуддинов қазо қилганларида дуч келдим. Бу айрилиқлардан сунг анчагача узимга кела олмай юрдим ва бир оз вақт ўтган шунга. амин бўлдимки, Оллоҳ бандасига бир синов — бир оғирлик йўлласса, кейинроқ яна яхши кунларга ҳамроҳ этаркан. Уша кезлар «Одам тафтини одам куради», деган нақлга яна бир ишонч ҳосил қилдим. Бошқа дустларим, улфатларим жудоликлар ярасига малҳам қуйишди. Мени жуда яхши тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган ҳамкасблар даврасида ишлаганман. Шогирдларим ҳам куп, жураларим ҳам мул.

ЖУРНАЛИСТ ШАРҲИ: — Мулоқотимиз давом этапти-ку, ҳамсўхбатимга тикиламан. Қуз тегмасин, сочдаги мошга хали гуруч аралашмаган. Ниҳоҳ уткир. Болалар табассумидаи самимию кўлгу... Кузларинг қорачида лип этиб, хорғинлик ҳам ақ бергандек... Йўқ, яна утли нигоҳ... Босик, паст овоз бирдан баландлашади... Куриниш жушқин тус олади. Куллар ҳаракатга тушади. Театрнинг кечаси, бугуни ва эртаси борасидаги гурунгимиз давом этади. Хайрулла Саъдиевнинг айрим мулоҳазаларини тинглаб, хислатларини узимча, бошқача кашф этаётгандекман. Сўхбатимиз авдижа-ку... бирок кашфиетим тула-туксимасдек. Шунда ҳамсўхбатимга қисқа савол-жавобга утишни таклиф қиламан.

— Нималарга қизикасиз?

— Спортга. Футболга ишқибозман.

— Кейингиз?

— Кейинги йилларда ҳақиқий саҳнада мунтазам ўйнай олмаганим.

— Ёмон кўрадиган хислатларингиз?

— Сотқинлик, ҳасад, гийбат.

— Ниятингиз?

— Юртим тинчлиги, халқ фаровонлиги.

— Артист бўлмаганингизда ким бўлардингиз?

— Артист бўлардим.

Сўхбатдош: Абдуҷалил ЗОКИРОВ

БОҚЧАДАН БОШЛАНГАН БАХТ

1959 йилнинг декабр ойида Анджон вилоятининг Курғонтепа шаҳридаги Тошқурғон маҳалласида, Урайимжон ака ва Назирахон опалар хонадонидан туртинчи фарзанд туғилди. Қизалоққа Раъно деб исм қуйишди. У тенгқурлари қатори усди-улғайди.

Уч ёшлигида боқчада айтган «Она» ҳақидаги илк шеъри ҳамманинг қалбиди муҳрлаиб қолганини ҳануз эслашади. Раънонинг қулфи-дили мактабда очилди. Биринчи синф муаллимаси Рузихон Аморова буни дарҳол лайқади. «Истеъдодли қиз. Ана шу истеъдодини аста-секин рубёбга чиқариш керак. Балки ундан санъаткор чикар», — дерди муаллима.

Юқори синфларда ўқиб юрган пайтидаёқ Р. Рузиқулова туман, шаҳар ва вилоят миқёсида утказиладиган «Санъат байрамлари»да мунтазам қатнашади. Бу байрамларнинг бирида асакалик бастакор, аҳойиб санъаткор Гуломжон Рузиқулов билан учрашди. Гулом ака Пулат Мумин сузига ёзган «Қуқлам келиб» қўшигини Раънога ургатди. У бу қўшиқни бир неча бор байрамларда, куриқларда айтиб голиб бўлди. Ана шу устоз Раънонинг санъаткорлар сафига қўшилишига сабабчи бўлган инсонлардан бири.

Мақтабни олтин медал билан тамомлаган Р. Рузиқулова Маннон Уйғур номидаги Санъат институтига кириб ўқишга қатъий қарор қилди.

— Авлодимиздан артист чиқмаган, қўшиқча бормайсан, — дейишди ота-ониси. Уртага туман, шаҳар маданият фаоллари ва ўқитувчи-устозлари тушишди. Шунда улар кўпчилигинг раъйига қараб, қизларига «оқ фотиҳа» беришди. Иттиҳонлардан муваффақиятли утган Раъно 1976 йили институт талабаси бўлди. Бу ерда артистлик маҳоратидан Абдурахим Сайфуддинов, Шоҳида Маъзумова, Ўзбекистонда хизмат қурсатган артист, ҳозир Фарғона театри режиссёри Мамасоли Юсупов, нутқ санъатидан Неъмат Муродов, қўшиқчиликдан Гулсара Холбоева сабоқ беришди.

Раъно ўқиниш дастлабки кунлариданоқ устозлар назарига тушди. Шу боис 1977 йили машҳур раққоса Мукаррам Турғубоева раҳбарлигида «Баҳор» қизлари унинг «Тановар» қўшиғига рақсга тушишди.

...Тошкент телевидениесида Ҳамза Ҳамидовда Нибзий таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-муслиқий эшиттириш бўлишганди. Раъно машҳур санъаткор Ҳалима Носирова ижро этган «Эй, ёр хуш келибсиз» ашуласини айтаётганда студияда утирган Ҳалима опа унга жўр бўлиб кетди, қўшиқ туғалган ёш истеъдод соҳибани самимию қўллади. Бу санъат пилласига қадам қўётган Раъно ҳаётида унутилмас воқеа бўлади.

Атоқли санъаткорнинг бу баҳоси ёш санъаткорни гоъят руҳлантириб юборди. Раъно устозлари Шоҳида Маъзумова, Асад Азимов ва Гулсара Холбоева ёрдамида янги қўшиқлар ургана бошлади ва Ўзбекистон радиоси қошида «Санъат — саодатидир» қўшиқчилар конкурсида қатнашиб Ҳаваскор қизлар орасида голиб бўлди. Йигитлар уртасида Раҳматжон Курбоновга теги келадигани топилмади. Голибларнинг унга яқин қўшиқлари Ўзбекистон радиосининг олтин фондига ёзиб олинди.

Раънонинг истеъдодини қурган Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов уни Ўзбекистон радиоси мақомчилар ансамблига ишга таклиф этди. Ансамблнинг етакчи хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова Раъно билан астойдил шугулланди. Шогирдига Зебунисо газали билан «Самарқанд ушшоғи», Навоий газали



Курабоной СУЛТОНОВА, Қўқон шаҳри

Унинг ҳалок бўлишида Игорнинг ҳам айби бор, у ёрдамга шошилган дустларини қайтармади. Қўлга тушиб қўлидан чўчибди, натижада ёш Алишер қўйналди жон таслим этади... Кейинчалик Игорнинг уртоқлари Алишерни сақлаб қолиш мумкин эканлигини билиб ётишган, ундан юз угридилар. Ўзи айбини яшириш учун ҳаёт энг ақин дустри бўлган Иринани улдириш пайига тушади. Ирине образини саҳнада талқин этган актриса Лариса Панасенко ҳам образ чиғиларини саҳнага маҳорат билан кўчирган. Мехнат қилиш урнига осон йўл билан пул топш мақсадиди умр кечирадиган, ҳали

тёр талқинидаги терговчи биз аввалги асарларда қурган терговчилардан туддан фарқ қилади. Жиноятни очиб йўлида астойдил ҳаракат қилади. У ёшларни қамаб эмас, эзгуликка етаклаб бориша уринади. Асар сўнггида эса бунга эришади.

Спектаклдаги эсда қоларли образлардан яна бири «Солдат» лақаби телба киши. У ҳаётни уз улчам билан ўлчади. Буш пайларда чиқиб кунчадаги машиналар қатновини кузатар экан, узича уларни бошқараяпман деб тасаввур этади. Тасовифан одам улдирган кимсалар устидан чиқиб қолади ва унинг куз ун-

образини кузатар экансиз актёр маҳорати та берасиз. Унинг қарашларида телбаномлик билан ҳамоҳанг бўлган меҳр ва ёмонларга қаратилган қарни курабсиз.

Шунингдек спектаклда турли образларни яратган Алишер Мадалиев, Нилуфар Уктамова, Вера Мурашова, Рустам Отажонов ҳам узларига топширилган образларни меъриба етказиб саҳнада гавдалантириб бера олганлар. Спектакл давомида саҳнада раққослар пайдо бўладилар ва воқеалар ривожидида алоҳида урин тутуди. Анжела Лашкова, Елена Кожева, Светлана Глазкова талқинидаги раққосларда турли образларнинг ички дунесини янада яққол қуратишга ҳаракат қилинганлигининг гувоҳи бўласиз. Спектакл бугунги кун нафаси, эртанги ёшлар тақдирини маҳорат билан саҳнага олиб чиқилганлиги билан ҳам таҳсинга сазовордир.

Салохиддин СИРОЖИДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва В. Успенский номидаги Республика ўрта махсус муслиқ мактаб-интернати жамоаси Ўзбекистонда хизмат қурсатган маданият ходими Д. Омонуллоевага онаси Санъатхон ХОЛМУРАМАНОВА вафот этганини муносабат билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси Ўзбекистонда хизмат қурсатган маданият ходими, танқил бастакор Дилором Омонуллоевага онаси Санъатхон ХОЛМУРАМАНОВА вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

КАШФИЁТ



Карим ХОНКЕЛДИЕВ

— Санъаткор, айниқса артистлар ҳаммаша халқнинг кўз ўнгида туради. Агар у бирор ишни қотирса, йўники қаердадир тойиб кетса етти маҳалладан етмишгача овоза бўлади. Энди бу касбдагиларнинг бир-бирига муносабати қандай? Олтими ёшнинг қаршилаш учун яна ўз йил қолган бир шахс ҳамда мехнат фахрисини ва эл ардоғидаги санъаткор сифатида ҳамкасбларингиз ҳақидаги фикрингиз?

— Артист сузи французчасига билимли деган маънони англатади. Ундан аввало куп ўқиб-ўрганишим, доимо изланишда бўлмоғи талаб этилади. Бир тадбирда иштирок этган ҳурматли адиби-миср Саид Аҳмад ака ҳу топиб гапиргандилар: «Халқ санъаткорини суяди. Хали ўзи утирмаган, оҳори тўқилмаган қурпачасини ёзди, уни дадаси но бобосидан ҳам юқоридаги турга чиқариб қуяди. Тишини қавағида сақлаб келган пулига қўлган ҳаражати-ни дастлаб унинг олдидидаги дастурхонга сочди...»

Кези келгани сабаб бир нарсани очик айтий: назаримда, артистнинг қалбидек гуддай нозигу, пулатдай метин, багри кенг кунгил йўқ. Икки оғиз ширин суз, рағбат эвазига бу кунгил шундай жунбушга келадикки, керак бўлса тоғни ағдарди. Китипитига тегадиган илмоқли гап, фиску-фасод шунчалик чўқтирадими, қўполроқ ухшатиш қиладиган бўлсам, гуристонини икки қадам яқин қилиб қуяди. Айрим ҳамкасбларим мени маъзур тутсинлару, ана шундай ноҳуш кўринишлар, вожаб, артист-



Карим ХОНКЕЛДИЕВ

бир неча жараёни босиб ўтади. Уни турли касб эгалари яратди: режиссёр, рассом, саҳна устаси, гримчи, электрикчи, нур таратувчи деганларидек... Сизни улар ҳақидаги фикрингиз? Улар билан муно-

сабатингиз қандай? — Назаримда, бу жуда жуяли савол бўлди. Чўнки артист билан саҳна ортидагилар муносабати ҳақида жуда кам гапирилади. Аслида актёрнинг ютуғида уларнинг беқийс, беминнат улуши бор. Улар ҳам артистдайин театр фидойиси. Меъ шу билан бахтлиманки, икки театр, кино ва телевидениеда улардан купдан-куп кўлма олдим. Шу кунгача саҳнада дастлабки театр труппалари анъанавани давомчиларидан Иброҳим Аҳмедов, Амин Турдиев каби устозлару, Эргаш Масарофов, Носир Отабоев сингарии етук режиссёрлар билан ҳамкор бўлдим. Ганжа Ёкубов, Эргаш Каримов, Ҳайбат Алиев, Нуриддин Қосимовдек телевидение, Учқур Назаров, Ҳабибулла Файзиёв, Юрий Степчук, Юрий Бзаровдай кино режиссёрлари билан иш жараёнлари ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Аслида мен режиссёрдаги идрок, иштиёқ, жушқинлиқни ектираман. Ундаги шу хислатни сездимки, бўлди — ишим юришиб келгани таварди. Айниқса, Ҳабибулла Файзиёв, Эргаш Масарофов билан болалар театрида утган дамлари бот-бот эслайман. Бу режиссёрлар театр учун бор йўғини тикан, керак бўлса жонини ҳам бериб юборадиган санъаткорлар.

— Чамбаракни Сиз ярат-

Яқунда эса қаерда қотирганию-ю, қаерда қовун туширганини ҳаммадан ҳам ўзи яхши билади. Шу жиҳатдан қараганда, институтидаги диплом ишларимдан тортиб, кино, теле, радио-постановкалардаги ролларимгача, ёш томошабинлар, Сатир ва «Илхом» театрларининг саҳналарида яратган образларининг ҳар бири мен учун азиз, муқаддас. Мен уларнинг ҳар бирига қалб қуримни беришга ҳаракат қилганман. Бундай чамаласам, анча-мунча қиёфада қуринибман. Ҳар бир актёрнинг орузи бўлган Ҳамлетни гавдалантиришга уринган пайларимни эслайман. «Ревизор»даги машҳур Хлестаков образида узимни синаганман. Домла Арсен Исмоилов саҳналаштирган «Уч мушкетёр»-да Д.Артанянни уйнаганман. Лекин образларим ичиди бундан 30 йил аввал яратилган Шум бола кучимга-куч, гайратимга-гайрат қушди. Халқ орасида танитди. Гафур Гуломнинг машҳур асарини Ганжа Ёкубов телевидениеда саҳналаштирган эди. Асар уз миллийлиги ва самимилиги билан дарҳол эътиборни тортди, тилга тушди. Орадан оз ўтмай, Москва телевидениеси орқали ҳам намойиш этилди. Бу яна давр учун жуда катта воқеа эди. Ёш томошабинлар театридаги фаолиятимда, мен у ерда 1963 йилдан 1986 йилгача хизмат қилганман, мактаб ўқувчисида тортиб революционерга уйнаганман.

— Ҳаётда ҳам ошиғингиз доим олчи келдимиз? Асли ўзи Сизни бир кўрган одам, «Эҳ-ҳе, бундан бахтли одам бўлмаса керак», — деб ўйлаши турган гап. Ўзингиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Аввало, мен ҳақимда шундай ўйлайдиганларнинг ҳаммаларига раҳмат. Минг қатла шукур: нолимайман. Яхши, жуда зўр кунларим куп-ў бисёр бўлди. Бундан бу ёғига ҳам шундай бўлмоғини сураб турибман. Исик жон, оғир кунлар ҳам ўтди, ҳаётнинг кучли ситковларига дуч келдим. Ёстолошим Раъно Мадрасмуовадан ажраган куним, соату дақиқаси эсимдан чиқмайди: 1973 йилнинг декабри эди. Кўпчили чалғиди: раҳматли дастлабки теледикторларимиз-

— Чамбаракни Сиз ярат-

ИККИ РАССОМ САРҶИСОБИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий курғазмалар залида истеъдодли мусаввирлар — рангтаъсир устаси Гофур Абдураҳмонов ва плакат санъатининг таниқли намоёнандаси Фаруҳ Кагаров асарларининг курғазмаси очилди. Узларининг 60 йиллик таваллуд тўйларини нишонлаётган мўйқалмак усталари санъат икюссандлари ҳукмига ҳавола этаётган асарларининг сони 200 дан ошади. Бу асарлар 35 йилдан зиёд вақт мобайнида қилинган ижодий меҳнат самарасидир.

Ҳақон миқёсидаги, турли даражадаги бир қанча нуфузли куриқ тилловлар, курғазмаларнинг мукофотлари совринини ўзбекистон халқ рассомси Фаруҳ Кагаров ижодини кузатсангиз, узу туркум йўналишга эга эканлигини сезасиз. Узларнинг асосий қисмини ижтимоий, сиёсий, ахлоқий мавзулардаги бадий плакатлар эгаллайди. Рассом ижодий фаолияти давомида жуда куплаб манзаралар ҳамда портрет намуналарини яратган, китоб, журнал графикаси билан жиқдий шугулланган. Курғазмадаги ёрқин бўёқли, юқори маҳорат даражасида ишланган ранг-баранг плакатлар орасида «Қуроллишлар»

га чек қўйилсин!», «Тинчлик», «Табиаат — бизнинг макон, парварииш қил уни ҳар қачон!», «Сув — ҳаёт манбаи!», «Тинчлик жағрамасига!» калблар айниқса ажралиб туради. Аср вабоси бўлиб қолган СПИД касалигидан оғоҳ этивчи, унга чалиниб қолмасликка чақирувчи плакатлар ҳам уз таъсирчанлиги ва долзарблиги билан эътиборли. Мусаввирнинг салоҳиятини намоян этувчи яна бир асариди — қора атом бомбасини раамий тарзда икки қисмага бўлиб, парчалаб турган оқ кабулар тасвири ақ этган. Бу плакат бутунжаҳон тинчлик ҳаракати тисмолига айлантирилиб, эътибор топангига куп бўлган...

Юқори савияда ташкил этилган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан қизиқарли, бир-бирига ҳамроҳанг икки курғазма мусаввирлар фаолиятининг барча қирраларини батафсил кашф этилишини таъминлаган.

Баҳром ТОЖИЕВ

ХИНД КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Кеча Ўзбекистонда ёш хинд киночилари фестивали бўшланди. У республика ёшларининг «Камолот-жамгармаси», «Ўзбекино» давлат ҳиссасдорлик компанияси, Хиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва яна бир қанча жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилди.

Келгуси йилнинг 21 январига давом этадиган ушбу фестивал кеча «Лайли ва Мажнун» фильми намойиши билан бошланди. Унда ҳам бта хинд фильми курсатилди. Бу фильмлар Хиндистон томонидан бепул тақдим этилган.

Шуниси қувончлики, бу фильмлардан нафақат пойтахтликлар, балки вилоятлар марказлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўладилар.

Максим Горкий номидаги Фарғона вилоят рус драма театрида Владимир Баграмов асари асосида «Қур-қурона уйин» деб номланган янги спектакл саҳналаштирилди. Асарга бугунги кун ёшлари, уларнинг ички кечинмалари бош мавзу қилиб олинган. Валижон Умаров саҳналаштирган мазкур спектаклда келажакимиз бўлиши ёшларини тақдир, эртанги ҳаётда тутадиган ўрни ҳақида суз юритилди. Асар муаллифлари бугунги ёшларга бепарқ бўлмасликка чақиради. Спектакл қахрамонларидан бири Игор Гриднев бир гуруҳ ёшлар билан жиноят йўлига кириб қолди. Ёш бўлишига қарамастан бир неча жиноятлар қилишга улгурган Игорнинг хатти-ҳаракатлари актёр Андрей Ермолов талқинида маҳорат билан саҳнага олиб чиқилган. Ҳатто одам улдиришга қарор этган ёш ўсмирининг ички кечинмалари, ҳаётини узича англатиш ғайдаларига таъсир қурсатмасдан қолмайди. Навбатдаги угриқларда унинг урғоти Алишер куп қаватли уларнинг баланд айвонидан қулаб ҳалок бўлади.

«КЎР-КЎРОНА ЎЙИН»

Ўн гулдандан бир гули очилмай туриб фоҳишалик йўлига кирган Ирина ҳамма нарсани пул билан ўлчади. Ўзи севган Игордан ҳам жиноятни яшириш эвазига куп талаб этади. Хусан Саидов ижросидаги терговчи Анвар Рисквев образини ҳам спектаклдаги энг ёрқин образлардан бири сифатида саҳнада аксини топа олган. Терговчи Рисквев кабинетида утирмайди, аксинча жиноятни очиб учин ёшлар орасига боради. Узларнинг ҳаётини ўрганади, керак пайтида яқин маслаҳатчинга айланиб ишончини қозонади. Унинг бирдан бир мақсоди жиноятчиларни қамаш эмас, аксинча уларни бу йўлдан қайтартиш, жиноятга етаклаётган усурларини ўрганиш, ёшларни жиноятга бошлаётган кимсаларни кулга олишдан иборат. Ак-

тёр талқинидаги терговчи биз аввалги асарларда қурган терговчилардан туддан фарқ қилади. Жиноятни очиб йўлида астойдил ҳаракат қилади. У ёшларни қамаб эмас, эзгуликка етаклаб бориша уринади. Асар сўнггида эса бунга эришади.

Салохиддин СИРОЖИДИНОВ

Туйнинг туртинчи куни ниҳоят келин тараф тугунини тугадиган бўлишиди. Тутихон Тураевна оёқда тик турганга қараб бўлиш Тўрачуқ хола билан узундан-узук, хуш-хандонликда хайр-хушлашди.

— Яккаю ягона қизимизнинг онаси энди қушалоқ бўлди-да, а, эгачи?! Бу ёғига келинни келисопга солсангиз ҳам майли, ургилай. Уз болангиздай иш буюраверинг, айланай. Чунки, Эштўхта Эсонович, яъни бизнинг хужайини шундай даяптилар! Тагин, келин катта даргоҳдан чиққанакан, қизил дипломи боракан, дея андишага бориб утирманг! Мен-чи, боғча мудираси бўлсам ҳам, бировларга ухшаб болагинами... Ҳалиги нима дейди. Конфет қозоғига урагандай асраб-авайлаб, пуф-пуфлаб арзандагина қилиб устирганим йўқ. Қизгинам кўп қаттиқчиликларни ҳам курган, ургилай. «Маёвқа»га чиққанимизда-чи, мошин улгур бўлиб қолиб беш юзми-олти юз метрми пивда ҳам юрган. Айтсам балки, ишонмасиз... Эштўхта Эсоновичнинг қовоқ уйганлигига қарамасдан, ҳатто бир гал — биринчи курслигида бир кунми, икки кунми қизгинам даладан чиқиб пахта ҳам терганди! Ҳа-а, ишонаверинг... Шу болам-чи, кўп жихатдан менга қолиа. Ақли-ям, чиройи-ям! Асал ялатганим учун тилидан бол томади, қаймоқнинг юзини едирганимдан ранги-руйи мармардай, «азробика»га усталигидан хипча бел, қаққон. Умуман у ҳамма ишга моҳир. Керак бўлса мол-ҳолингизни ҳам эплайди. Чунки, ҳовлидаги бир мушук, икки ит ва канарейкани аша шу болагинамнинг бир узи эпларди.

Унинг жониворларга меҳрибонлиги... Папаси Эштўхта Эсоновичнинг Индиядан олиб келган тутиқуш тилига тушунмасдан ултириб қўйганимизда, болафақир ярим соатми, бир соатми йиғлаганди! Қизгинамни културасига ҳам гап йўқ... Чойиниям-чи, пивёла келин катта даргоҳдан чиққанакан, қизил дипломи боракан, дея андишага бориб утирманг! Мен-чи, боғча мудираси бўлсам ҳам, бировларга ухшаб болагинами... Ҳалиги нима дейди. Конфет қозоғига урагандай асраб-авайлаб, пуф-пуфлаб арзандагина қилиб устирганим йўқ. Қизгинам кўп қаттиқчиликларни ҳам курган, ургилай. «Маёвқа»га чиққанимизда-чи, мошин улгур бўлиб қолиб беш юзми-олти юз метрми пивда ҳам юрган. Айтсам балки, ишонмасиз... Эштўхта Эсоновичнинг қовоқ уйганлигига қарамасдан, ҳатто бир гал — биринчи курслигида бир кунми, икки кунми қизгинам даладан чиқиб пахта ҳам терганди! Ҳа-а, ишонаверинг... Шу болам-чи, кўп жихатдан менга қолиа. Ақли-ям, чиройи-ям! Асал ялатганим учун тилидан бол томади, қаймоқнинг юзини едирганимдан ранги-руйи мармардай, «азробика»га усталигидан хипча бел, қаққон. Умуман у ҳамма ишга моҳир. Керак бўлса мол-ҳолингизни ҳам эплайди. Чунки, ҳовлидаги бир мушук, икки ит ва канарейкани аша шу болагинамнинг бир узи эпларди.

таъзим қилиб турса. Сен керилиб тизилганча иккинчи суйган, таъзинг торган таомларни буюрсанг... Тўрачуқ хола тили тинимсиз айланаётганлигидан толиқиб ҳарсиллаб қолди. Нафасини ростлаб олгунча Тутихон Тураевна гапни олиб кетди.

— Ана! Эштўхта Эсоновичнинг «Эсперо»лари ҳам келди! — Тутихон Тураевна кулоққа чалинди.

— Энам сизни чақираяпти! Қайнона чақирганда келин деган дарҳол «лаббай, ойижон!» дея югуриб чиқши керак.

Жавоб ўрнида қикирлаган кулги эшитилди.

— Ургатманг! Девняшка эмасман. Мамашкам ургатган, тўйдан тўрт кун олдин. Мамашкамга эса Эштўхта Эсон... Эҳм, папам ургатганлар. Во-об-ше, киноларда ҳам курганман... Короче, биламан. Мана, чиқдим... Келин остонада куришиш бериб «келинсалом» ўрнида бош силкиган бўлди.

— Лаббай, мамаш... Ойижон! Қайнона «салом»дан сўлиш олган бўлса-да, ҳалитдан сиртига чиқаришни узига эп курмади. Узини мажбурлаб кулган бўлди.

— Ҳа, бу... Кун чошгоҳдан ўтди, келин. Овқат қилдиган қайин опаларингиз ҳам уй-уйига, қапа тўйига кетишди. Таомни энди икковимиз биргалашиб тайёрлаймизда-а?! Шўрва қилишни биларкансиз-а, болам?

— Келин яна бош иргади.

— Биламан, конечно! — Билсангиз, ана қозон, ана капгир, ана масаллик. Хуш-ш, унда биринчи нимадан бошлайсиз?

Келин бинафша тус тирноқлари учига бироз, термулиб турган, ёдига тушиди шекилли ёноқлари ёлқинланди.

— Ну-у, во-обшем. Олдин суқ турмаклариди, сунг узукларни сугуриб... Тўрачуқ холанинг манглайига тугун тошди.

— Ҳа-а, биларкансиз!

Лекин олдин қозоннинг қулоғи артилиши керак. Чунки фаришталар келиб қунадиган жойи-да! Ана ундан сунг ут ёқиб, қозонга ёғ солинади.

Келин шитоб билан ишга киришди.

— Биламан! Мана... Қайнона «қулқиллаган» сасдан ярим газ осмонга сапчиди.

— Уҳ-ху! Ҳар овқатга шунчадан ёғ солсангиз, мени хонавайрон қиласиз-ку?! Энди пивёз, ундан кейин гўшти...

Келин ортига уғирилмасдан бош силкиди.

— Биламан!

— Билсангиз, лаҳм жойини қолдириб, қовурга билан суюқни солинг эди-да! Нима бу ҳақда мамашкамга... Ҳай-хай, қайнаган сув эмас, совуғидан солиш керак...

— Биламан!

— Сабзиди арчиб, шол-гомниям...

— Биламан!

— Тузини...

— Биламан!

— Охирида картошка...

Оббо, ярим мағзи пустига чиқиб кетди-ку?!

— Биламан!

— Хуш, энди биласизми, болам...

— Биламан!

Тўрачуқ хола кўрдики, келини тушмағур «хамма балони» биладиган. Унинг кўнлиги бу «биламан»лардан аланачек шўбха орадди. Синамоқ истагиди тановул қилиб турган тарвуз бўлагини келинига узатди.

— Мана бу матоҳни...

— Биламан! — Келин ҳеч иккиланмасдан тарвуз бўлагини қайнаб турган қозонга ташлади. — Биламан, даяман-ку! Мамашкам ургатганлар. Мамашкамга папам Эштўхта Эсонович...

Искандарнинг шохи бор, дилимдагини гапириб бермасам «паг» этиб ёрилиб кетаман. Онайи зорининг айтишича, ёшлигимдан қорнарсаларга уч бўлган эканман. Чунчони, ҳамма болалар кесак еса, камина кумир тановул қилар эканман. Мана, ошни ошаб, ёшни яшаб қўйганимизда, қоринда тулпанган уша кумирларга ут тушиб, аччиқ тутун чиқара бошлади. Ҳа, аъзойи баданимни курум босган. Қузим тинади, бошим гир-гир айланади, юрак жонивор бўлса, анордад эзилади, қон булади. Даъво истаб бормаган жойим, қурсатмаган табии қолмади. Бир таъмагир дустирга учрасам, «Кенга кенг дунё, торга тор дунё, юракни кенг қилинг, яхши одамлар билан ҳамсуҳбат булинг» дейди. Қани, уша яхши одамлар? Борининг ҳам ёнига яқинлашсанг, асов отдек шата-лоқ отиб қочади. Чунки менинг тилим қаламбирдек аччиқ, ханжардай уткир, айбони шартта башарасига айтаман. Шунинг учун ҳам мендан қочиб юришади.

Эшмат куруқ деган қушним бор, трактор қиқазидаги заводда ишлайдилар. Мол-дунёга муқассидан кетган одам. Тунов кун уша куруқ йигирма мингга гилам олиб келди денг. Хуш, рабчий одам, шунча пулни қаққан олди, мен сизга айтсам. Гилами кўрдим-у, қон босимин ракетаддай кутарилиб кетди. Буниси ҳам холва экан: яқинда десангиз, Эшмат куруқ яп-янги «ТИКО» олди. Қаранг, лотереяга ютган эмишлар. Чўп-чагингни катта бувингга айт-е, номард! Бир балоси бўлмаса шўдгорда кўйруқ на қилур, дедилар. Бу фирбарг в ёмби топиб олган, в отасидан катта мерос қолган. Уша кун яна қон босимин кутарилиб кетди. Шошмай тур, сен куручки бир таъбирингни бери кўй, деб битта тахтага уч-тўртта мих қоқдим, кейин уша чанганки маши-



Кулгуда ҳам «тартиб» бўлсин, ўртоқ Нурматов.

ОЛТИН ҚАЙРАҒОЧНИНГ ТАГИДА

Габровода чет элликни машина уриб кетди. Унга тезлик билан қон қуйиш керак эди. Врачлар габроволик донордан қон беришни сўрашган эди, у пулини олдиндан тулашни талаб қилди. Шунда унга бу хожима қилди.

— У олтин олмабди.

— Унга айт, — деди милиционер, — агар ҳозир олтин қон беришни сўрашган эди, у пулини олдиндан тулашни талаб қилди. Шунда унга бу хожима қилди.

«Тез ёрдам» станциясига кўнғироқ бўлди...

— Алло, биз ичяапмиз...

— Кечаси, соат учда бунақа бемарзни ҳазилин қўйсангизчи.

Бир минутдан сунг яна кўнғироқ жиринглади.

— Алло, биз ичяапмиз. Вася эса ичяаппти. У шиша очқични ютиб юборди.

— Алло, — ваҳимага тушиди врач, — Сизлар бирон чорасини изладингларми?

— Ҳа, биз энди шишани пичоқда очиб ичяапмиз.

Вазир хузурига кирган аёл ундан уй талаб қилди:

— Мен сиз билан ухлаганман, ахир.

Вазир кўрқиб кетди.

— Қачон? Қаерда?

— КПССнинг XXIV съезиди, туртинчи қаторда.

— Айтишларига қараганда, ҳар унта оилдан биттаси бахтли экан.

— Билмадим, билмадим. Мен бор йўғи тўрт марта оила курганман.

рижлик фуқаро жуда бой эканлигини, тузалса шўбхасиз ҳақини икки баробар қилиб тулашини тушунтиришди.

— Йўқ, — деди габроволик. — Эртдан бошлаб унинг томирларида менинг ҳам қоним оқа бошлади.

Чўкчани олтин уғирлашда айблаб қамаб қўйишди. Суроқ пайтида бошқа бир чўкча уларга таржимонлик қилди.

— Олтинни қаерга яширддинг, — сўради милиционер.

Таржимон чўкча бу гапни ва мабуҳсининг жавобини тар-

ма қилди. Отилишдан қўрққан мабуҳс чўкча деди:

— Ҳов анови қайрағоч тағига қумиб қўйганман.

— Нима деди? — сўради милиционер.

— Отсанг, отавер, барибир айтмайман, — депяпти, — деди таржимон чўкча.

— Наҳотки бу ҳамён сизни кига ухшамаслигини сезмадингиз.

— Сезишга сездим, аммо ичидиғаи пуллар жуда ухшар экан-да.



рижлик фуқаро жуда бой эканлигини, тузалса шўбхасиз ҳақини икки баробар қилиб тулашини тушунтиришди.

— Йўқ, — деди габроволик. — Эртдан бошлаб унинг томирларида менинг ҳам қоним оқа бошлади.

Чўкчани олтин уғирлашда айблаб қамаб қўйишди. Суроқ пайтида бошқа бир чўкча уларга таржимонлик қилди.

— Олтинни қаерга яширддинг, — сўради милиционер.

Таржимон чўкча бу гапни ва мабуҳсининг жавобини тар-



Рауф ТОЛИБ ҚИЗИҚ...

Буқанинг кучи — шохда, Отнинг кучи — оёқда. Бўрининг кучи — тишда, Кўйнинг кучи қаёқда?

ТОК

Ўз ҳолича мустақил Усолмайди, На чора? Бировларга сўяниб Кун кечирар бечора.

ТИЛ ТОПИШДИ

Бир боғ хашакни пойлаб Ётбди кўпнак. Яқин келюмса унга На қўй, на эшак. Така кўпнак олдиға Сувқ ташлади Ва хотиржам хашакни Ея бошлади.

ҚҮЙ ВА ТАКА

Кўтаролмай дубасин кўй Узин олар сояға. Абжир, чакқон Тоғ такаси Кўтарилар қояға.

АРЧА

— Яшил арча дарахтин Япроғи йўқ нимаға? — Аёз билан қурашиб Айланган у нинаға.

ТҮП НЕГА ХАҒА?

Футбол тўпи бир чеккада Хафа фиғон: — Тепишмайди мени ахир Кўлдан бўён.

КИМ ПУШАЙМОН?

— Ҳаётдан ким кўпроқ Бўлар пушаймон? — Одамларға яхшилик Қилмаган инсон.

ДИҚҚАТ: «СУПЕРТАБАССУМ» № 1

Хозирги пайтда ҳаётимиз шунақанги янгиликларга, турли-туман воқеаларга бой бўлаётгани, истасангиз-истама-сангиз дўпнингизни осмонга ириғатасиз ё қўлингизга олиб антика фикр ярқ этгунча бошингизни қашлаб қоласиз. Мана, сизга яна бир янгилик! «СУПЕРТАБАССУМ». Яъни, кулгу, ҳазил ва ичакудди хангомаларга бой янги бир китоб адёб юзини кўрди. Номини айтмайсизми, «Бир ўпчининг баҳоси»

Майли, хозир биз «бир ўпчининг баҳоси» канча эканлигига тўхталиб ўтирмаймиз. Лекин, унинг мазмуну мундарижасига тўхталиб ўтмак жоиз. Бинобарин, ушбу тўпламга маълум ва машҳур адёб Саид Аҳмад, кейинги пайтларда ҳаживётда ҳам ўз кучини синаб кўраётган истеъдодли ёзувчи Эркин Усмо-новнинг ҳажива-ю, хангомала-

ри ва шунингдек, жуда оригинал ва топкир фантаст-калам-каш Хасан Турсунов ҳамда бошқаларнинг ўта замонавий, ўткир-кескир ҳажви хикоялари киритилганки, буларни ўқигач, ҳеч бир қитқиласиз ҳам қулиб юборсангиз ажаб эмас. Дарвоқе, бу китоб «Су-пертабассум» деб номланган туркумнинг биринчи қадами-дир. Унинг давом этиши, атак-чечак йўлириб кетиши албатта сизларга боғлиқ. Ёқмаса, шартта тўхтаилади.

Ушбу ушбу китобнинг муқовасида қайд этилган устоз Саид Аҳмаднинг «Оқ йўл» ҳам сизларни бефарқ қолдирмас деган умидамиз. Зеро, халқимиз «Олтин олма, дуо ол» деб бежиз айтмаган. Айтгандек, ушбу тўплам 2,0 босма тобоқдан иборат бўлиб, нусхаси 6000 дона. У «Ёзувчи» нашриёти томони-дан чоп этилган.

Ушбу китобни албатта топиб ўқийсиз деб ишонамиз. Чунки, «Ўқимоқ-билимдир, билим-кучдир» деган доно ҳикматни изоҳлаб ўтиришни хоҳати бўлмаса керак!

Озод МҮҲМИН

зуримизга келинг. Сарф қилиш йўллари ургата-миз.

Шаҳримиздаги хушёр-хоналар қайта таъмирла-ниш учун вақтинча ёпиб турилади. Доимий мижоз-ларимиздан бу ноқу-лайлик учун узр сў-раймиз.

Эълоншунос: Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

ЭШТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

Азиз йигит-қизлар! Сизни «Гузалик» салони-мизга таклиф қиламиз. Биз-нинг нафақат ходимлари-миз, балки, хизмат ҳақи-миз ҳам гузалдир.

Торт пиширишни, сунг уни қандай туширишни ур-гатаман. Телефон: 11-12-13.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ТҮТИ

Қуш бозорида бир киши қарасдаги тутини мақтарди: — Бу тути инглиз, фран-суз, испан тилларида гапи-ра олади, ашула айтади, ра-қсга тушади.

— Нима, тутингиз консер-ваторияни битирганми? — сўради бир киши.

— Нима ишинг бор, об-серваториясини ҳам битир-ганман! — деди тути газаб билан.

Тибет ва Шарқ табоба-ти усулида нимжонларни тепса тебранмас қиламиз.

«Бир зумда» кафеси ту-гатилади. Даъволар эълон-чиққан кунгача қабул қили-нади. Қўшимча маълумот учун тел: 14-15-16.

Кучадан 100 АҚШ дол-лари топиб олсангиз ху-

Эшманлар

ТАРБИЯ

Кули эгри йигит театр вешалқасидаги шляпани олиб қияётган эди, эгаси келиб қолди:

— Уйинни вешалқадан бошлабсиз-да, биродар?

— Ҳа, — деди ўғри, — театр — вешалқадан бошлана-ди, деган экан Станиславс-кий.

— Ушинский эса, тарбия тарсақидан бошланади де-гандилар...

МОШ ЭККАНМИСИЗ?

— Уста Шорасул, нима бало, телевизорингизга мош экканмисиз?

— Эй, нимасини айта-сиз, қўшни. Кеча ярим ялангоч эркак-авлларни курсатишувди, озгиндаги нусси ботига тўғуриб ю-борибман...

А. КОРАТОЙ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Маъзилми: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32 Қабўлхона телефони — 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Маъзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўро» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Навбатчи муҳаррир — Камол ОҶЛОЁЕВ